

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

## БИР ХОНАДОН ПАРИСИ...



Баъзи инсонлар билан суҳбатлашсангиз, кўнглингизда ўзгача бир ёруғлик пайдо бўлади. Бу суҳбатни узмасдан давом эттиргингиз келаверида. Газетамизнинг ана шундай ажойиб бир муҳлисаси бор. Бу аёл 82 ёшли Зарофат ая Иноятова. У Тошкент шаҳридаги Ибн Сино маззасида яшайди.

У турмушнинг ҳамма синовларига чидади, енгди. Хаётида ҳамма нарсага ҳалол меҳнати билан эришди.

Хозир эса фарзандлари ардоғида. Бир ўғил, бир қизидан етти нафар набира ва беш нафар эваралар кўрди. Шуларнинг дуосини қилади. Бир ҳафта ўғлиниқиди бўлса, бир ҳафта қизиниқиди дейдорлашади.

Турмуш ўртоғи - раҳматлик Нажмиддин ака билан ширин умр кечиришди. Оиладаги қийинчиликларни биргалашиб енгилди.

Кўрган кечирганлари ҳақида гапираркан ая шуларни эслайди.

- Ёшлигим уруш йилларига тўғри келди. Мен уйда укамга қараб ўтирардим. Онам бечора эса тонг қоронғусида далага ишга кетарди. Болаларим қийналмасин, дермиди... Жонини жабборга бериб ишлаганлари эсимда. Икки ҳисса ортиғи билан ишни бажаргани учун онамга икки коса атала билан битта нон бериларди. Ярим коса аталани ичиб қолганини уйга, бизга олиб келарди. Мен чеварчиликни ўрганиб, бинойидек дўппилар тикардим. Вақт ўтиб ўз амакига келин бўлдим. Оллоҳга шукр, ўтан умримдан розиман.

Мустақиллик давримизда ҳам хурмат кўрдим. Гиламлар билан мукофотлашди. Энди эса набираларимнинг тўйларини кўрсам, шуларнинг бахтидан қувониб ўтурсам, дейман. Бир аёл бахти шу бўлса керак, - дейди Заро-

фат ая мамнуният билан.

Чиндан ҳам юртимиздаги ҳар бир хонадонда кексаларнинг бўлгани яхши. Отахону онахонларнинг тонгда дуога қўл очиб ишга кетаётган ўғил-қизларини кузатишлари-ю, оқшомда шуқроналик билан кутиб олишлари чиройли.

Тўғри, бундай ибратли ҳаёт кечириш учун турмуш сўқмоқлариди тиканлардан ўтиш, заҳмату машаққат чекишга тўғри келади. Аммо дилда эзуғлиги, интилиш, ирода бўлса ҳамма нарсага эришиш мумкин. Зарофат ая ҳам не-не кунларни кўрмади? Лекин тетик бир кайфият уни ҳеч қачон тарк этмади. Аяга қараб туриб, дилимиздан ният қилдик:

- Илоё, оиламиз ва фарзандларимиз бахтидан мамнун бўлиб Зарофат аядек кексайиш насиб этсин...

**М. МИРСОДИКОВ**



йилма-йил ошди. Бу кун "Тўра фермер"нинг 200 гектарга яқин ери бор. Бу ер юртдошларига ҳам ризку рўз, фаровонлик келтирмоқда. Хўжалиқда 100 киши доимий меҳнат қилса, ҳосил кўтариш даврида уларнинг сони 1000 га етади. Даромаддан эса ҳамма манфаатдор. 50 минг сўмдан мукофот пули, ёғ, бугдой рўзгорга кириб, ишчиларнинг «димого» чоғланади.

Тўра Раҳмоновнинг 4-5 йил-



## ТўРА ФЕРМЕР

Қашқадарё вилояти Нишон туманида Тўра Раҳмонов ҳақида гап кетгудек бўлса, кексалар: "Отасига раҳмат, полвоннинг! Ҳамманинг дуосини олаётган бола-да, умри узоқ бўлгури!" - деб беихтиёр кафтларини дуога очишади.

Раҳматли отаси Нозимхўжа сувчини ҳамма хурмат қиларди. Онаси ҳам туну кун эрининг ёнида юриб, эгатларга сув тараган. Бу оиладан чиққан 4 ўғил-қурашларда елкаси ерга тегмаган, 4 қиз - меҳнат билан донг таратишган. "Тўра фермер" эса сувчининг кенжа ўғли. У дастлаб 20 гектар ер олиб, пахта ва галла эқди. Сўнг экин майдонини яна 15 гектарга кенгайтирди. Вилоятда энг катта ҳосил кўтарди. Полвоннинг ютуғини кўриб, бунга туман ҳокимлиги яна 50 гектар ер берди. Ҳосилдорлик

дан буён вилоятда ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг голиби бўлиши, вилоят ҳокимлиги томонидан "УАЗ" енгил машинаси билан мукофотланиши, юртбошимизнинг фармонида асосан "Меҳнат шўхрати" ордени билан тақдирланиши деҳқоннинг меҳнатига берилган баҳодир.

- 4 қиз, 1 ўғлим бор. Ҳаммаси аялочи, компьютернинг "у еридан кириб, бу еридан" чиқишди. Аммо ҳаммаси менингдак фермер бўлишни орзу қилади, омадини берсин. Янгангиз эса менинг ҳисобчим, бир сўмини бекор сарфламаймиз. "Тилла тақинчоқ олгандан кўра, бирор камбағалнинг дуосини олайлик", дейди. Хотиннинг гагида жон бор, нима дедингиз?- Бегубор кулади Тўра фермер.

**Санобар ФАХРИДИНОВА**



Кудратовлар оиласи Мирзачўл туманидагина эмас, балким Жиззах вилоятида ҳам намунали оилалардан ҳисобланади. Оила бошлиғи Қўзибой Қудратов нафақага чиққунга қадар ўз умрини чўлни ободонлаштиришга бағишлади.

Холнисо Кудратова эса машҳур пиллакорлиғи-

дан ташқари туманда фаолият кўрсатиб келаётган "Ёр-ёр" фолклор ансамблининг раҳбари ҳамдир. Қўзибой ва Холнисо Кудратовлар ҳозирда 10 фарзанд, 20 неварани ўстирмоқдалар.

**Суратни Раҳимбек Шарифзода туширган.**

## БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАММАНИНГ ИШИ

Республика Болалар Ижодиёти Марказида "Менинг маҳаллам, менинг оилам, менинг мактабим" мавзуда ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳри маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари ҳамда ижодкор болалар иштироки эътиди. Марказ раҳбари, Тошкент шаҳар фахрия аёллар

уюшмаси раиси С.Шодиева, Тошкент шаҳар "Назокатли аёллар" уюшмаси раҳбари Д.Фуломова, олимпиада О.Каримова, шоира Нилуфар, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари Г.Йўлчиева, тарих музейи директори Ж.Исмоилова, Юнусобод тумани хотин-қизлар кўми-

### Ахборот

таси раиси Ё.Юсупова муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Йиғилганлар "Буюк келажак сари" номли болалар ижодиёти кўргазмасини томоша қилишди. Бир пиёла чай устидаги қизгин суҳбат қуй-қўшиққа улашиб кетди.

**САНОВАР**

### ОНА ЮРТИМГА

*Кўз очиб кўрганам ўзингсан илк бор,  
Киндик қоним томган, эй қутлуг маскан.  
Онам бағри каби лазиз, мўғтабар,  
Нақадар қадрли, суюксан ватан.*

*Нур эмгум талпиниб тафтли бағрингдан,  
Оптоқ йўрғанингда ардоқда бўлдим,  
Меҳр деб аталган азиз наҳрингдан,  
Симириб, она юрт, қудратга тўлдим.*

*Мусаффо севгимга бешик сен бўлдинг,  
Жойладинг муқаддас ишқни юракка,  
Шодлик, бахтиёрлик бахш этдинг ўзин,  
Қанот бердинг яна орзу-тилакка.*

*Наздимда кетолмам, йироқлаб сендан,  
Кетолмам йироқлаб, ўзга тупроққа.  
Кетсам, ҳар сония кўрсарман жондан,  
Узоқда меҳр ўтинг солар қийноққа!*

*Парвозга шайлансам, чорлар чўққилар,  
Босаман қадамим бардам ва дадил.  
Ёнимда қадрдон таниш чехралар,  
Ширин ҳислар билан тўлғонади дил.*

*Қуёшинг қутлайман ҳар эрта тонг шод,  
Нисор этгувчисан инсонга ихбод,  
Ватан, бағрингдан сенинг умрбод,  
Сен ҳам бир умрга юрагимда қол!*

**Шарбат МУХТОРОВА, Навоий вилояти.**



Маслаҳатчининг галларига шуни кўшимча қилиш мумкинки, маҳалла ҳудудда жойлашган учта тиббий фирма кўмагида 6 киши бепул кўриқдан ўтказилди ва улар мана шу фирмалар ҳисобидан давола-нишмоқда.  
"Кўхна Чопоно-

тарошхона, 2 та дори-хона, битта спорт-соғ-ломлаштириш мак-муаси ва бошқа қатор маиший хиз-мат объектларида ҳам асосан шу ўқув курсларини битир-ган маҳалла ёш-лари ишлашяпти.  
- Маҳалламиз ҳуду-дида мактаб йўқ,- дей-ди М. Қосимова.- Фарзандла-римиз кўшни маҳалладаги 62-



## КЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Хайитгул саҳарда ўрнидан туриб, бо-лаларининг уйғони-шига нонуштани тай-ёрлағач, бошига кизил дуррасини тағниб, Ойпара-никига йўл олди... 4 фарзанди билан бундан 12 йил илгари эридан ажрашган аёлнинг шу кунлардаги ташвишидан хабар-дор эди. Кўнгил майлига бери-либ, ўзга аёл билан кетиб қол-ган эркак энди қилган ишига пу-шаймон бўлиб, бир неча марта Ойпарадан, болаларидан кечи-рим сўраб келибди. Аёлининг, болаларининг эса кўнгли муз-лаган... "Бу болаларни оёққа тургазиш осон бўлдимми? Бола-лари айти ейман, кияман де-ган ёшда эди. Ойпара ҳам "ёшман" деб бировнинг этаги-ни ушлаб кетса, нима бўларди? Аммо у болаларига бегона эр-как нигоҳи тушишини истама-ди..." - хаёлидан ўтказди йўл-йўлакчи Хайитгул.



Сино маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ха-йитгул Нуруллаеванинг битта иши,- дейди хотин-қизлар кўмитаси раиси Пошшоҳон Қодирова. - Ёрдამга муҳтож кишиларнинг кўнглини олаётган маслаҳатчиларнинг сафи кенг бу туманда. 24 оиланинг бошини қовуштир-ган Ф.Радшанбоева, Р.Сотимо-ва, К.Раҳимова, С.Холбоева, Г.Усмонова ва бошқа кўплаб фаол маслаҳатчилар туман хо-тин-қизлар кўмитасининг ҳақиқий таянчларидир.

- Маслаҳатчи бош-қош бўлиб ўтказётган тадбирлар, танлов-ларнинг номи ҳам ҳар хил: "Ибратли қайнона", "Ишбилар-мон бека", "Уришмас келин", "Аҳил оила", "Саришта хона-дон"... Бу атамаларнинг ўзбек маслаҳатчиларнинг уй-хаёлла-ридан дарак бериб турибди,- дея аёллар этикисининг фик-рини давом эттириди мутахас-сис Гавҳар Нуруллаева.

Ха, қаерда маслаҳатчи ўз-га маслаҳат беришга қодир бўлса, ўша ерда тинчлик, фа-ровонлик барқарор бўлади.

САНОБАР

## ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Кўхна Чопоно-та" маҳалласи диний-маъри-фат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Махфуза Қосимовага туман хотин-қиз-лар кўмитасида ана шундай таъриф беришди. Бу бежиз эмас экан. Маслаҳатчининг иши билан танишгач, бунга биз ҳам амин бўлдик.

- Маҳалламизда 7500 аҳоли истикомат қилса, шундан тўрт минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади,- дейди Махфуза опа.- 163 оилани кам таъмин-ланган, иқтисодий ғимояга муҳ-тож сифатида рўйхатга олганмиз. Маҳалламизнинг ўзига тўқ, саҳо-ватпеша кишилари, ҳомийлар ҳамда "Соғлом авлод учун" жа-мгармаси ва "Қизил Ярим ой" жамиятининг туман бўлимлари ёрдамида уларга моддий ёрдам кўрсатишмоқда, бепул дори-дар-монлар олиб бераёпмиз. Жум-ладан, йил бошидан бери "Соғ-лом авлод учун" жамгармаси-нинг тиббий-иқтисодий патронаж гуруҳи келиб 100 нафарга яқин аёллар ва вояга етмаган бола-ларни кўриқдан ўтказишди.

та"да ҳукуматимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар-дан самарали фойдаланиб, ка-саначиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратиша-япти. Жумладан, Гўзал Каримо-ва пишираётган торт ва бошқа шириникларнинг бозори чақ-қон, хонадонидан буюртмачи-ларнинг қадами узилмайди. Шунингдек, бир неча аёллар уйда кўрпа-ёстиқ қавиш, тикув-чилик каби хунарлар билан шу-ғулланишмоқда. Натижада рўзғорларига барака кириб, то-пиш-тутишлари яхшиланиб бо-раёттир. Қолаверса, қизларга касб ўргатишда шу ҳудудда очилган "Давр бекаси" ҳамда "Шаҳодат-нур-файз" ўқув мар-казлари билан яқиндан ҳамкор-лик қилинмоқда. Бу марказлар-да маҳалла қизлари арзон на-рхларда ўқитилади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг тавсия-си билан кам таъминланган оилалар бекалари ва қизлари эса бепул касб ўрганишмоқда. Маҳалла ўраимидаги 4 та сар-

мактабга қатнашади. Шу боис мана шу мактаб маъмурияти билан ҳам биргаликда режалари олиб бораяпмиз. Ўқув йили охирига деб қолганда маҳалла-миздан бешта боланинг мактаб-га бормаётганидан хабар топ-дик. Фаоллар, синф раҳбарла-ри ана шу оилаларда бўлиб бу-нинг сабабларини аниқладик, маслаҳат ва зарур ёрдамни бер-дик. Натижада ўша болалар бо-шқа тенгдошлари қатори ўқув йилини яхши аяқлаб олишди. Тиниб-тинчимаса маслаҳатчи Махфуза Қосимова 23 миллат вакилларидан иборат бўлган маҳалла аҳлининг иссиқ-совуғи-дан, яхши-ёмон кунидан, қувон-чу муаммоларидан бирдек ха-лбардор, уларга чиндан ҳам мас-лаҳатчи, кўмакдош, керак бўлса сирдош. Шу боис ҳам у Тош-кент шаҳар хотин-қизлар кўми-таси томонидан маҳалла масла-ҳатчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фахрли 2-ўрин-ни эгаллади.

Д. ИБРОХИМОВ.



- Кишлоғимиз аҳлининг моддий тур-муш даражаси унчалик ёмон эмас, - дейди Ҳафизахон опа. - Бироқ беш кўл баравар бўлмаганидек, шу кунларда иқтисодий жиҳатдан биров бўлса ҳам қийналаётган айрим оилалар бор. Фа-оллар билан ана шундай хонадонлар-ни ўрганиб чиқиб қўлдан келганда ёрдам уюштирмаймиз. Бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш юритиш натижасида маҳаллада кўнгилсизлик-ларнинг олди олинаяпти. Аҳиллик бор жойда барака бўлишини ҳозир ҳамма яхши тушуниб қолган.

## АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА...

Халқимизнинг "Бир болага етти ма-ҳалла ота-она", "Кенгашли тўй тар-қамас" сингари мақоллари бежиз ай-тилмаган. Бу ҳикматлар замирида кўп маъно ётади. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз, аввало, маҳаллада шаклланади. Инсон туғилгандан то умри поёнига етгунга қадар маҳал-лада яшаб, жамоат назарида, маҳал-ла аҳлининг яхши-ёмон кунларида бирга бўлади. Ўргатиш, ўрни келган-да ўзи ҳам ўрганади.

Зеро, маҳаллага қайишиш, турли хил маросимларда иштирок этиш ки-шини фаоллаштирилади, ижобий хис-латларини оширади. Шу маънода, маҳалла Ватан ичра Ватан, дея эъти-роф этилган.

Анджон вилояти Олтинкўл тумани-даги Иттифок маҳалла фуқаролар йи-ғини маслаҳатчиси Ҳафизахон Ҳамда-мованинг кўпчилика кенгашиб, 3100 нафар аҳоли билан тиллашиб, ҳурмат топиб ишлаб келаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин катта-ю, кичикнинг меҳрини, ишончини қозона олди. Чун-ки у ҳаммага баравар очик юз, самий-мий муносабатда бўладиган аёл.

Ҳа, опа тўғри айтиди. Маҳаллада бу-гун барча ҳаракатда. Мумкин қадар иш қилиб, рўзғор тебратиб ташвиши билан яшаётганлар кўпчилики.

Бу борада Ҳафизахон опа уларга ўрнат. Уй юмуши билан банд бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаш-га катта эътибор қаратиб келмоқда. Ма-ҳалладаги тадбиркорлар билан кенга-шиб, касаначиликни ривожлантириш-га астойдил бел боғлаган. Чевар Ма-лоҳатхон Раҳимова уйда кўрпа-тўшак тайёрлайдиган цех очиб, 15 нафар қиз-ларни ишга жалб қилган. Аини пайт-да эса зардўзлик хунари бўйича "Уста-шоғирд" йўналишида иш ташкил қилиш ҳамда маҳалланинг ўзида "Гўзаллик салони" очиб ҳаракатда.

Ҳа, маслаҳатчи бугун беором. У маҳал-ла аҳлининг ғаму ташвишига, қувончу шодлигига бирдек шерик. 581 та хўжа-лик яғни, катта бир оилани бошқариш бир кишининг иши эмас. Маҳалла фа-оллари билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар ўз баҳосини олиши, шубҳасиз.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, Анджон вилоят хотин-қизларининг "Иқбол" газетаси муҳбири.

## МУҲАББАТНИНГ ШИДДАТИ



йилда "Тинчлик" фуқаро-лар йиғини маслаҳатчиси лавозимига муносиб кўришди. Энди бу олов юрак қизнинг қалби маҳал-ладошлари, хотин-қизлар, ҳар бир оила аъзоси қалби билан бирга зар-блана бошлади. Уларнинг тақдир, қувончу шодлиги ҳақида қайғуриш - доимий аъмолига айланди. "Тош-хирмон" фермер хўжалигини янги-дан ташкил қилди. Энди "Муҳаб-бат Шермонова" деб номланган пиллачилик фермер хўжалиги шаҳд билан иш бошлади.

Ипак қуртини юқори агротехника асосларида боққанлари учун улар режадагидан кўп ҳосил олишди. Муҳаббат яна тинч турмади. 5 гек-тар ерни тутзорга айлантирган бўлса, 5 гектар ерга пахта экти. 16 нафар қизни иш билан таъминлади. Фермерликдан келган даромадга эса фуқаролар йиғини идораси қошида ти-кувчилик цехи очиб, 5 қизни ишга жалб қилди. Натижада ҳар йили овул-даги 50 нафар қиз "ип-игнанинг уста-си" бўлиб чиқашяпти. Муҳаббат саҳо-ватпешаликда ҳам биринчи - ҳар ўқув йили якунида 10 нафар ўқувчига кий-им-кечак улашади. Деҳқончилик қилишлари учун 2 муҳтож оилага ер олиб берди. Кейинги йил 2 кам таъ-минланган оилага 2 та қорамол совға қилмоқчи. Муҳаббатнинг яна бир орзу-си - маҳаллада пилладан ипак олади-ган цех ташкил қилиш.

Муҳаббатнинг оиласи аъзолари ҳам меҳнатқаш. Эри - Ойбек ака иқтисод-чи, ўғиллари: Охунжон - банк коллежи толиби, Жайхун-8-синф ўқувчиси, она-сидаи фермер бўлмоқчи.

С. ФАХРИДИНОВА

Муҳаббат Аннамуротова Қорақалпоғи-стон Республикаси Беруний тумани "Тинчлик" фуқаролар йиғинида масла-ҳатчи бўлиб ишлайди. 7000 аҳолининг ярми хотин-қизлар бўлгани учун ҳам Муҳаббатнинг тинч ўтирган пайтини кўрмайсиз. Отаси Шермон ака 9 та фарзандига ниҳоятда талабчан эди. Гоҳо уларни 3-4 соатлаб дарс қилдирарди. Сўнг ўзи би-шқараётган "Тошхирмон" хўжалиги ер-ларига ишлатарди. Муҳаббат қишлоқ хўжалик институтининг пиллачилик фа-культетини аяқлаб, "Гўлистон" жамоа хўжалигига ёшлар етакчиси бўлиб иш-лай бошлади. Чаққон ва ишбилармон етакчини пиллачилик бўйича агроном қилиб тайинлашди. Муҳаббат учун пил-лачилик тармоқи юрагига яқинроқ эди. Ўша йиллар ҳосилдорлик мўл бўлди. Аммо қиздаги фазилатлар иш кўламини кенгайтиришни тақозо қилди. Уни 2004

# ҲАМИША ҚАДРИ, АРДОҚЛИ

"Оила ва жамият" газетасининг илк сонларини севиб ўқиганман ва биринчи обунчиларидан эдим. Орада 3 йил газетани ўқимай қолдим. Бундан 5 йил бурун баҳорда оғир касалликка чалиндим. Ниҳоятда зерикдим. Қўлимга "Оила ва жамият" газетаси тушиб қолди. Биринчи саҳифасидан охиригача ўқиб чиқдим. Газетада бир йигитнинг "Бахтим учун ҳеч ким курашмади" сарлавҳали дил изҳори эълон қилинган эди. Йигит 3 та кизи борлиги, хотини ўғил тумгани учун бошқа қизга уйланганини, қизлари ва хотинини қувганини, улар аҳолидан хабар олмаганини, укаси ва сингилларининг туйларига эса катта-катта харажат қилса ҳамки, аммо улар аканинг фарзандсиз ҳаётига қизиқмаганларини, собиқ болалари ўзидан хабар олмаганини ачиниб ҳижоа қилади. Оллоҳим унга бошқа фарзанд бермаганини, энди нима қилишини билолмай, боши қотганини ҳижоа қилиб, газетхонлардан маслаҳат сўраган эди. Мен бу мақолани ўқиб, чин юрагимдан унга ачиниб йиғладим ва ўз юрагимдаги дардларимни ҳам қўшиб ёздим. "Бахтинг учун ўзинг кураш" сарлавҳали ўша мақолам кўп вақт ўтмай газетда чоп этилди.

Туманимизда газетанинг кўплаб ихлосмандлари бор. Ҳатто 70-80 ёшли болоблар ҳам газетга ишқибоз. Бир куни қишлоғимизнинг энг ажойиб отахонларидан бири 75 ёшли Шариф бобо Тиллаев уймага ташриф буюрдилар ва сўхбат давомида "Қарз қиёматга қолмасин" мақолам

ни тилга олдилар. Бир қариндоши шу мақолани ўқиб, анча вақт илгари олган қарзини эгасига дарров элтиб берганини айтдилар. Демак, мақола ўқувчининг юрак-юрагига таъсир этибди.

Ўзимнинг доимо қон босимим ошиб туради. Аммо ҳаёт-ҳаётда. Унда қувонч ҳам, ташвиш ҳам бор. Соғлигим яхши эмас, деб ётаверсанг ҳам бўлмайди. Одам

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!



у жамиятдан узоқлашади ва оила парокандаликка учрайди.

Газета менинг ҳаётимда катта ёрдам берган. Тушунликка тушиб, бир неча ойлаб даволанганимга қарамасдан соғаймадим. Шу газета касалимга даво бўлди. Мени яна яшашга ундади. Яшашда ҳам яшаш бор, деб уйлайман. Завқлиниб яшашга нима етсин! Сен ёзган мақолани юртдошларинг ўқиб, завқ олсалар, сен ёзган СЎЗ уларнинг қалбига бориб етса, сенинг фикрларингдан озгина бўлса ҳам баҳра олсалар ва турмушларига тadbик этсалар, бундан ортиқ бахт бормикан?

Халқимизда "Одамнинг тафтини одам олади" деган гап бор. Газетамизда турли кишиларнинг дарди, алами, турмуш қийинчиликлари ёритилади. Ана шуларни ўқиб уларнинг ғам-ташвишларини ўзимникидек қабул қиламан. Уларга қўлимдан келса ёрдам берсам, дейман. Моддий ёрдам беролмасам ҳам, маънавий ёрдам беришга ошмакман.

Севишли газетам "Оила ва жамият"! Сен доимо халқимизнинг ардоғидасан. Чунки халқнинг ғам-ташвишига доимо шериксан.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,**  
кекса ўқитувчи,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон тумани.



"Оила ва жамият"дан кўп нарсани ўргандим, қимматли маслаҳатлар олдим, улардан ҳаётда фойдаландим. Шу кунгача 100 дан ортиқ мақолаларим, хат-хабарларим, шеърларим газета саҳифаларида ёритилди. Долзарб мавзуларни тарғиботчи ва нотиклар, хотин-қизлар ва фахрийлар давраларида муҳокама қиламиз. Булар эса маънавийатимни юксалтираётти, қаламимни ўткирлаштираётти. Айниқса, газета саҳифаларида одоб-ахлоққа, қайнона-келиндар муносабатларига оид материалларнинг мунтазам бериб борилиши жуда ҳам ўринли бўлмоқда.

"Қилмиш-қидирмиш", "Турмуш чорраҳаларида" рункларни остида берилаётган мақолаларни ўқиган ҳар бир инсон яхшиликка, эзгуликка интилади. Мисол тариқасида газетанинг 18-сонидаги "Тўққиз қизнинг онаси" мақоласини келтиришим мумкин.

Бир оилани яхши биламан. 6 нафар кизи бор, аммо ўғли йўқ. Ҳар доим шу оилага борадиган бўлсам, эр хотинини жеркиб: "Сен ҳеч қачон ўғил тумгайсан", деган сўзларини эшитиб, ғазабим келарди. Ўғит-насиҳат қилардим, лекин у эркакка ҳеч нарса таъсир қилмас, касалманд хотинидан ўғил туғиб беришини талаб қиларди.

Яқинда ана шу оилага газетани олиб бориб, юқоридagi мақолани ўқиб бердим. Мақоладан таъсирланган эркак нотўғри иш тутаятганини бўйига олиб, қизлари ўғилдан кам эмаслигига тан берди. Хотинини бундан кейин ҳурмат қилишга сўз берди ва оилада ўғил ҳақида сўз очмайдиган бўлди. Яқинда ана шу эркак тўнғич қизидан ўғил набира кўрди. Қувончдан ўзини қўярга жой тополмасди. Шунда мен газетанинг таъсири нақадар кучли эканлигини англадим.

Газета орқали кўплаб янги дўстлар орттирдим, мухлисларим хат орқали мендан кўплаб мақолалар кутаётганларини ёзганларида, янада илҳомим жўшади. Ҳар гал она шайхон Хоразмга борганимда дугоналаримнинг "Сенинг хотин-қизлар ва фахрийлар давраларида муҳокама қиламиз" деган сўзларини эшитиб, узоқни яқин қилган севишли газетамдан фахрланиб кетаман.

Мустақиллик йилларида кинотоб бўлиб чоп этилган "Соғинч парвози", "Хоразм соғинчи", "Булоқбоши илҳомлари", "Онажоним қалбимдасиз" шеърли тўпламларим яратилиши ана шу газетадан олган илҳомим натижасидир.

Бир сўз билан айтганда "Оила ва жамият" ҳаётимда ўчмас из қолдирди, қаламимни чарқлатди, ҳаётга қизиқишимни кучайтирди. Саёр-бардошга ундади. Шу боис газетга йиллик обунан бўлдим, қундалик ҳаётимни "Оила ва жамият"сиз тасаввур қила олмаيم.

**Раъноҳон ЖУМАНИЕЗОВА,**  
Анджон вилояти,  
"Маънавият ва маърифат" маркази Булоқбоши туман бўлими раҳбари, туман хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари.



ларга қўшилиб, тўй-маъракаларга боришга ҳам тўғри келади. Инсонлар билан кўп мулоқотда бўламан, уларга газетда босилган мақолалар мазмунини тushунтириб бераман.

Оила қуриб, фарзанд кўриб, яхши яшамаган аёл ва эркак тушунликка тушади, ҳаётдан беэйдий. Дўст-ёрлари, элу қариндошлари ёрдам бермаса,

Менинг касбим кутубхонашунос. Шу туфайли ҳамма газета ва журналлар билан мунтазам равишда танишиб бораман. Улар менинг ҳаётим, борлигимдир.

Бу хусусият, яъни газетхонлик фарзандларимга ҳам ўтган.

Ишдан қайтдим дегунча: "Аяжон, газета олиб келдингизми?" "Оила ва жамият"ни-чи?" - дея сўроққа тутушади.

Болаларим "Фарзандингиз билан ўқинг!" саҳифасини қизиқиб ўқишади.

Халқимизнинг таникли ва суюкли адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х.Тўхтабоевнинг 15-сонда берилган "Осмондан музқаймоқ ёққан кун" ҳикоясини фарзандларим қизиқиб ўқиб чиқдилар. Ҳикояни ўқигач, 10 яшар ўғлим ҳайрон бўлиб сўрайди: "Ие, аяжон, осмондан ҳам музқаймоқ ёқадими, қандай қилиб?..."

"Ўғлим, Худойберди отанг айтибди-ку, ёғади деб. Отангни айтгани бўлади, чунки улар эл назар қилган инсон", дея жавоб бераман.

Ушандан бери кичкинтойим ҳар куни интизорлик билан осмондан (қўлида газета) пақир-пақир музқаймоқ ёғишини кутади.

Мен эса: "Эй ўғлим, сен ҳам меҳнат қил, пиёз эк, роҳатини кўрасан", - дейман.

Бола тушмагур яна сўроққа тутди:

- Осмондан музқаймоқ фақат пиёз экканларга ёғадими?..

- Ҳа, ўғлим, ҳозирча Худойберди отанг айтмоқчи музқаймоқ фақат пиёз экканларга ёғади. Лекин бир нарсани сен яхши билиб ол. Хар ким меҳнат қилса, нимани экса, аввало, ўшани уради. Экканини ейди. Ҳосилингни бозорга сотсанг, ана сенга музқаймоғу, мана сенга музқаймоқ! Акангга берасан, опангга берасан, дўст-ўртоқларингга улашасан.

- Сизга-чи?

- Ҳа, ана менга берасан, дадангга берасан, - дея жавоб бераман.

Ишдан қайтсам, ер тайёрлапти.

- Хорманг, ўғлим, у ерга нима экмоқчисиз? (кинояли сўрайман)

Ўғлим эса (қўзлари ерда): - Пиёз экман (магур жавоб берди).

- Яшавор, ўғлим! Пиёз эк, ниятингга ет. Ҳосилинг пишса, худо хоҳласа, ҳаммани музқаймоқ сайлига чақирамиз.

Ҳайрат билан ёқа ушлайман. "Оила ва жамият"нинг қудрати-да, бу.

Бир куни ўқув юртимизда тadbир ўтказилиши керак эди. Қизим ҳам шу коллежда тахсил олади. Жамоатчи, оммавий тadbирларда қатнашиб турди.

Менга мурожаат қилди:

- Ая, тadbир шартларидан бири— ҳаётим муаммолардан саҳна тайёрлаб чиқиш керак экан. Нимани олиб чиқсам экан-а?!

Қўлига "Оила ва жамият" тикилган

тўпламни тутқаздим.

Бир оз вақт ўтар-ўтмас кўзларимда ёш қалқиди.

"Оила ва жамият"нинг 11-сонида берилган "Увол кетган бола-я..." воқеасини мен ҳам ўқиб, ич-ичимдан ачинган эдим. Бу воқеа қизимга ҳам таъсир қилибди.

- Аяжон, мен нима бўлсам ҳам ана шу воқеани саҳна кўриниши қилиб олиб чиқаман. Зероки, катталаримиз хар бир ишга лоқайд қарашмасин. Қаранг-а, эссиз, бир буюмни деб бола жувонмарг бўлиб кетаверса-я?! - дея лаблари беихтиёр пичирлайди.

"Оила ва жамият"нинг 15 йилдан бери ашаддий мухлиси сифатида менинг фикри баёним:

Газета инсонлар тақдирига жуда яқин бўлганлиги учун бошқа газеталардан фарқ қилиб туради.

Газета ҳаётийликка, ҳаққонийликка асосланган!

Газета эзгулик йўлида хизмат қилади!

Газета - бу бизнинг соғлигимиз - бойлигимиз!

Газета - умримиз мезони, энг яқин ҳамроҳ, дам олишнинг мароқли мазмун!

Газета оиламиз ва жамиятимизнинг сўнмас чироғи!

**Муяссархон ЮСУПОВА,**  
Анджон вилояти,  
Балкичи туманидаги иқтисодий коллежи кутубхонаси мудир.



менга дангаса, ҳаётда фақат ўз қорни, ўз манфаати учун бўлайдиган, ота-онасининг ҳам қадрини билмайдиган, амал, мансаб, пул учун ўзига яқин бўлган инсонларга хиёнат қилишдан ҳам ори келмайдиган одамлардан нафратланишни ўргатди.

Яқинда 59 йил бирга умр қурган турмуш ўртоғим вафот этди. Мен оғир худудликдан тушунликка туша бошладим. Шу қийин кунларимда "Оила ва жамият" газетасини ўқиб, ундан юрагимдаги қайғу-ғамларимни унуттишга мадад топа олдим, десам ҳатто бўлмайди.

Ҳар пайшанба куни газетани почтачи қиз олиб келиб беради. Унга раҳматлар айтиб, уни дуо қиламан. Шу куннинг ўзида газетани ўқиб чиқаман, мақолаларни таҳлил қиламан, фикрларимни оқ қорозга ёзиб, таҳририятга йўллайман. "Оила ва жамият" газетаси умримнинг сўнги кунгача қўлимдан тушмас керак, деб ўйлайман. Газетани кўни-қўшниллар, ёнимиздаги шифохона ходимлари билан бирга ўқиймиз.

Айниқса, газетда менинг бирорта мақолам чиққан бўлса, ўзимни жуда бахтиёр ҳис қиламан. Ёшим 82 га етган бўлса-да, ёш болалардай хурсанд бўлиб кетаман. Газета орқали халқимизга хизмат қилаётганимдан суноаман.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА ҚИЗИ,**  
меҳнат фахрийси, II-гуруҳ ногирони,  
Тошкент шаҳри.

- Мен бир қизнинг уволига қолдим, - дея тахририятга таширифи сабабини ҳикоя қила бошлади 40 ёшлардаги эркек.

**- Нега? Алдаб кетганимизми?**

- Йўқ, йўқ. Алдамадим ҳам, хиёнат ҳам қилмадим. Уни бадном қилганман. Иложи бўлганда эди, шу қизни сизга бир кўрсатардим. Доим гагин, уйчан юради. Бунинг сабабини фақат мен биланман.

**- Нима бўлган ўзи? Тушунтириброқ гапирсангиз-чи...**

- Биз Дилобар билан бир кўчада тураимиз. Мен ўшанда 11 синфда, у 5 синфда ўқирди. Тўғриси айтсам, маҳаллада, мактабда ўғил болаларнинг зўравони ўзим эдим. Болаликда қўшни ўғил-қизлар билан бекинмачок, қувлашмачок, тўп отиш каби ўйинларни бирга ўйнардик. Ҳаммадан

**- Киз сизнинг устингиздан арз қилмадими?**

- У ўша ёшда нима бўлганини ҳам, бахтига чангал солганими ҳам англамасди. Фақат мендан каттик қўрқанидан бўлса керак, умуман биз томондан ўтмай қўйди. Агар мени кўриб қолса, албатта ортига қайтиб кетарди. Йиллар ўтди, мен мактабни тугатиб, кўча безориси бўлдим. Уттаннинг уроғини, кетганининг кетмонини олардим. У 9-синфни тугатиб, кўринмай қолди. Билсам, Тошкентдаги коллежга кирибди. Бир кун кўчада бир-биримизга дуч келиб қолдик. Қандай ҳолатда денг? Мени ички ишлар ходимлари кўлимга кишан солиб олиб кетишайтган эди. У мени кўриб, бир зум тўхтаб қолди. Шунда мен бор овозим билан: "Манавини қаранглар! Узининг қиз эмаслигини ўзи ҳам билмайди",

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

- Одам кесайганда дилида армони бўлмасин экан. Ёшликдаги армонларни-ку, то кексайгунча рўёбга чиқарса бўлар экан, - дея сўз бошлади тахририятимизга келган аёл. У ўзини Раҳима яқ, деб таништирди.

**- Қандай аромонингиз ушаламай қолди?**

- Э, болам! Дилимдаги дардларимни айтсам озғимдан тун аралаш аланга чиқади. Нима қилай, айни шу дамларда мени тушунадиган бир инсонга зор

**дингизми?**

- Қилмай иложим ҳам йўқ эди. Бир-иккита танишлар билан Ленинградга бордим. У ерда ноёб нарсалар олиб келиб кўтарасига пулладим. Анча фойда қолди. Кейин яна бордим. Вақти келиб ёлғиз ўзим той-той асл матолар, чиннворлар олиб келиб сотдим. Қўлимиз пул кўрди. Анчагина пул йиғиб ҳам қўйдим.

**- Эрингиз-чи? Уқишини битириб у ҳам рўзғорга қарашмадими?**

- Ох, юрагимдаги дардим!... Шу ҳақда озиг оғани юрагим

лан тингина яшаб юрарди.

**- Ажрашишни ўйламадингизми?**

- Буни қаранг-а! Сира ҳам хаёлимга келмаган. Ишқилиб келиб юрса бўлди-да, фарзандларимизнинг тўйларида ота сифатида фотиҳасини берса бўлди-да, деб ўйлагандим..

Хуллас, етти нафар фарзандимизнинг тўйида ёнимда туриб берди, шуниси га ҳам раҳмат!

**- Кейинги турмушларингиз қандай бўлди?**

- Йиллар ўтиб қаридик. Эрим оғир касалга чалиниб, ётиб қолди. Ахволи оғирлашганча ўша професорнинг қизи уни бир тугун кийими билан уйимга ташлаб кетди.

**- Сиз қарандирсиз?**

# ШЕЪР ЁЗИШИ АЙБ...МИ?

бўлиб ўтирибман...

**- Фарзандларингиз бордир?**

- Бор, болам. Худога шукр.



Етти нафар фарзандимдан тинчганман. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Лекин айтмоқчи бўлганим фақат ўзимнинг шахсий ишларим десаммикан?

**- Гапиринг-чи?**

- Ҳозир етмиш икки ёшдаман. Мен бир вақтлар университетнинг филология факультетини аъло баҳоларга битирганман. Онамнинг ёлғиз қизи эдим. Шу боис бор меҳрини менга бериб ўқитди. Катта ишларда ишлаганини истарди. Аммо, турмушга чиққанимдан кейин ҳамма орузларим саробга айланди. Унча-мунча шеър ва ҳикоялар ёзиб турардим.

**- Кейинчалик ёзмай қўйдингизми?**

- Амакимнинг ўлиги турмушга чиққанимдан сўнг ҳаммасига нуқта қўйилди. Қайнона-қайнотам жуда яхши инсонлар эди. Эрим ҳам роийиш эди. Лекин йиллар ўтиб ўзарди. У аспирантурада ўқиб бошлагач уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши бўйнига қолиб кетди. Эрим эса худди талабадек кетиб қолганди. Яхши кийинишни хуш кўргани учун, тез-тез янги кийимлар олиб беришни талаб қиларди.

# МЕНИ КЕЧИР,

кучли бўлганим учун бошқа йигитлар доим мулозимат қилишарди. Шўҳроқ болаларга қўшилиб қолганим учунми бироз безори, "қулоқсиз" йигит бўлиб ўсдим. Уйдагилардан яшириб сигарет чекар, дарсга кетдим, деб кўчаларда сангирдим.

Хуллас, бир кун ўзимга ўхшаган ўртоқларим билан кўчада ўтиргандик, Дилобар ҳовлисида чикиб, у ёқ-бу ёққа қараб, укаларини излай бошлади. Мен унга йўлнинг бошидаги чала қурилган иморатда ўйнашаётганини айтдим. У жой ўзи болаларнинг ўйинхонаси, йигитларнинг сигарет чекадиган маконига айланганди. Дилобар шу ёққа кета бошлади. Унинг ортидан қараб қоларканман, уят бўлса ҳам айтаман, айни баалоғат ёшига кираётган бу қизга кўнглим бузилди. Атрофидagi йигитларга мақсадимни айтдим-да, улар билан қизнинг ортидан кетдик. Ўша иморатга борганда, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бу мени янада жонлангирди ва ўртоқларимнинг ёрдамида Дилобарга тажовуз қилдим. У қиз бақирди, йиғлади, аммо уни ҳеч ким эшитмади. Мен бу тубанликни қилиб бўлгач, уни қўйиб юбордим. Қизгина худди бўрининг чангалидан қўтилган оху бола-сидек орқасига қарамай қочарди. Биз унинг ортидан масҳара қилиб кўлдик.

Эркек бироз жим қолди. Қошлари уйилганидан асабийлашганини сездим. Бошини сарак-сарак қилди-да:

- Атанг, атанг, ўша пайтда мен қизнинг устидан кўлдим. Кейин тақдир менинг устидан кўлди.

**Дилобар!**

- деб бақириб кўлдим. Қиз югурганча, уйига кириб кетди. Ўғирликда айбонли, икки йил қамоқда ўтириб чиқдим. Қайтиб келиб, уйландим. Беш йил турмуш куриб, фарзанд кўрмадим. Аламимдан хотинимни урар, кўп ичар, қимор ўйнардим. Уйимни ҳам, бор-будимни ҳам қиморга ютказдим. Ота-онам мени деб куйиб ўлиб кетишди. Хотиним кетиб қолди. Яқинда яна қамалдим. Шу ёқда бир одамга бошимдан ўтганларини айтиб бергандим: "Бегунох, бегубор қизнинг уволи тутибди сени", - деди. Озодликка чиққанимдан кейин билсам, у қиз ҳамон турмуш қурмабди. Балки ота-онасининг юзига доғ туширишдан кўрқиб, тегмаётгандир. Бу гапларни унга айтганимдан менинг олдин-гизга келдим. Чунки Дилобар мени кўрса, узокдан қочиб кетади. Балки у яна менинг "қилган ишимни" жар солиб, уни шарманда қилишимдан чўчир... Йўқ, энди мен ундай қилмайман. Энди фақат ёлвориб, кечирим сўрайман. Умидим фақат газетадан. У балки мен айтган гапларни ўқиб қолар.

Ҳа айтганча, бу газетани қамоқда ҳам ўқишар экан. Ундаги мақолалар қанча-қанча адашганларни ҳаётга қайтарганига гувоҳ бўлганман.

Хайр, шу гапларни ёзинг, илтимос. Юрагим сижилиб кетди, кўчага чиқмасам бўлмайди.

**Исмини ҳам айтмаган бу инсон шовиб туриб кетди. Шевадидан англадимки, Бухоро томонлардан. Йигит айбини англагани сабаб бу ерга келгани рости. Балки Дилобар мақолани ўқиб, уни кечирар...**

**Матлуба ШУКУРОВА**

Бунинг устига уч болам ҳали ёш, етишмовчиликдан жуда қийналардик. Уч-тўртта қўшиларимиздан қарздор ҳам бўлиб қолгандик.

**- Қайнона-қайнотангиз ёрдам бермасдими?**

- Уларнинг озгина пенсиялари қозон қайнатардик-да. Бир кун Хожия хола деган қўшни кампирдан пул сўраб чиқдим. Йиғладим. Шунда у қўлимга анча пул берди-да, "Савдогарчилик билан шуғулланинг! Рўзгорингиз катта. Бунинг устига чол-кампирингиз ҳам кексайиб қолган. Ҳаммасига пул керак! Маош билан бунинг иложини қила олмайсиз!" - деб маслаҳат берди.

**- Сиз унинг айтганини қил-**

безиллайди-да. У аллақачон бир професорнинг ёшгина қизини топиб олган экан. Тижоратга кетиб, уйда кўп бўлмаганим учун бу ҳол юз бергандир балки.

Баъзилардек йиғлаб-сиқтамадим. Зиммамда оила боқиб, катта бўлаётган фарзандларимни ўқитиш, тўй қилиш, кекса қайнона-қайнотамнинг кўнглини олиш вазифаси турарди.

**- Эрингиз бутунлай чиқиб кетганми?**

- Йўқ, ҳар замонда келиб кетар, менга янги нарсалар олиб қўйишим учун топшириқлар бериб кетарди. Хуллас, еттига боламнинг ташвиши, бунинг устига ҳафта оралатиб олиш йўлга бориб мол олиб келиб сотишдан бўшамасдим. Соқларимга оқ тушди. Эримни кўрганлар унга ҳавас қилишади, денг. Чунки унинг олдида мен унинг онасига ўхшаб қартайиб қолгандим-да. У бўлса чиройли кийинб юрар, уй билан иши йўқ. Професорнинг туғмаган қизи би-

миз!" - дейишди. Ҳозир ёзиш овуноғим бўлиб қолган. Айтинг-чи, бу ишим уятми? Ахир болаларим яхши кийинсин, ёб-ичишдан қийналишмасин, деб бор кучимни, ёшлигимни шуларни боқиб учун сарфлаган бўлсам?... Оталарининг ахволи эса бу бўлди...

Шоирлик қонимда бўлса керак, онам ҳам чиройли. Газалларни ёддан билардилар. Ёзмасам қасал бўлиб қолсам, керак! Шундай қилсаммикан? Унда...

**Онаҳон йиғлаб юборди. Мен у заатган бир-иккита шеърларини олиб ўқидим. Чиндан ҳам ёмон эмасди. Аёл билан яна бироз гаплашдик. Ва дилимдаги бир саволга жавоб топмай қийналдим. Афсусландим...**

**Аёл бутун ҳаётини, бор истеъдодини болаларига сарфлабди-ю, нахотки бунгунга келиб жигарлари буни тушунмаса, қадрлашмаса?**

**ГУЛБАШАКАР**

# ЁРДАМ БЕРИШ ЎРНИГА...

Тирбанд автобус бекатга келиб тўхтагач олдинги ўриндиқда ўтирган жувон тушиши керак экан, бир қўлда боласи, иккинчисиди зилдеккина сумкасини кўтариб ўтишга уринарди. Олдиндаги эшик очилса-ку, тушиш ҳам осон кечарди. Шундай бўлса-да, бечора ҳар замонда: "Шоир аба, илтимос олдинги эшикни очиб юбора қолинг", - дея ёлворарди. Тўладан келган, қўлига сотка ушлаб

олган йигит эса пастдан туриб бетоқатларанар: "Хой, бунча судраласан-а, сендан бошқалар аллақачон тушиб бўлишди-ку! Бир соат қутишим керакми? Бўлсанг-чи, тезроқ!" - дея бақирарди. Аёл одамлар орасидан амаллаб ўтиб, рўмоли тушиб кетган, соқлари тўзгунин ҳолда эшик ёнига етиб келди. Бир йигит тушиб унинг қўлидан сумкасини олди. Эри эса: "Иккинчи сен билан ҳеч қаёққа бормайдиган бўлдим. На ўзингни, на юришни эп-

лайсан!" - деди-да, бекат ёнидаги йўлакдан қўл телефони билан гаплашиб кета бошлади.

Аёл эса сумкасини ерга қўйиб, бир қўллаб амаллаб рўмолини ўради. Сўнг яна оғир сумкасини ва боласини кўтариб қўл телефонда хиринглаб гаплашиб кетаётган эрининг орқасидан йўлга тушди.

Автобусда бу воқеанинг гувоҳи бўлиб

ўтирган кексагина киши эса афсусланиб бош чайқаб:

- Илоё, Оллоҳ шундай бефаросат эрлардан асрасин. Сумка кўтаришдан ор қилса, ҳеч бўлмаса боласини кўтарса бўларди. Қийин-қийин бундай гумроҳ эр билан яшаган аёлгинага қийин. Хотинига ёрдамлашиш ўрнига дўқ қилишни қаранглар, бу бефаросатнинг, - деди.

Кўпчилик қатори мен ҳам бу гапга қўшилдим.

**ҲАМИДА**



# ИККИНЧИ БОР АДАШМАНГ!

**С**инглим Гулнора! Хар бир инсон пешонада борини кўради. Қисматингиз шундай экан, начора? Авваламбор ота-она фарзандининг тақдирига бепарво ёки лоқайд бўлмайди. Отангиз сизга кўёв танлаб янглишмаган. Чунки тақдирингизни ўйлаган. Сиз ҳам фарзандлик бурчингизни адо этиб, унинг сўзини икки қилмагансиз. Сабаби, оилада сизга тўғри тарбия беришган. Аммо сиз битта хато қилгансиз. Н. исмли синфдошингиз билан учрашувга бормаслик керак эди. У сизга кўнғироқ қилибди-ю, дарров кўнғилнинг бўшабди, синглим. Мақолада: "2-3 йилдан буён мени яхши кўриб юрарди", деб ёзибсиз. Лекин ўзингизнинг унга муносабатингиз қандай эканлиги тўғрисида бирор нарса ёзмабсиз. Нима, у йигитда кўнғилнинг бормидики, учрашгани борибсиз. Қолаверса, Н. исмли синфдошингизнинг севи-мухаббат деб сизга шундай муносабатда бўлиши, ор-номусингизни топтагани - бу инсоннинг эмас, балки инсон киёфасидаги вахшийнинг иши. Н. исмли синфдошингизнинг бирор бир мақсади бормиди, эҳтимол шунинг учун ҳам бу ишни қилгандир. Бу борада мен сизни оқламайман, айб ўзингизда. Учрашувга бормасангиз, бу можаро бўлмаслиги мумкин эди.

Қолаверса, онангиздан ҳам бироз хатолик ўтган. Бўлган воқеани рўй-рост отангиз билан муҳокама қилсалар, яхши бўлармиди? Чунки улар ҳам тушунишарди, сиз билмасдан туриб, вахшийликнинг қурбони бўлгансиз.

Синглим Гулнорахон! Иккита фарзандингиз бор. Уларнинг ҳар иккаласи ота меҳрига зор.

Шунинг учун, Гулнорахон, ўғил ва

қизингиз тақдирини ўйланг. Қалбингизга кулоқ тутинг. Қалбингиз кимга, нимага ёки қаерга талпинса, шуни қилинг. Иккинчи бор адашманг. Яратганининг ўзи сизга мададкор бўлсин.

**Уктам ДЎСЧАНОВ,**  
Хоразм вилояти,  
Хонқа тумани,  
Сарапоён қишлоғи.

**"Сиримни ошкор қилгандим" - 28-сон**

**ЭСАЛТАМА:** Тўйга бир неча кун қолганда синфдошим Н. адаб, номусимга тегади. Лекин, онангизни қилгач, "қиз" бўлиб, йигитимга турмушга чиқдим. Икки фарзандли бўлганимизда бу сирни эримга айтиб қўйиш ва ажрашдик. Энди эса у яна мен билан ярашмоқчи. Бу ёқда эса Н. ҳам менга улашаиш ниятида. Қандай бўл тутсам экан?

Муаллиф: С. НАЗАРОВА



**Г**улнора исмли аёлнинг дил изҳорини ўқиб чиққач, бироз гашиш келди. Тўғри, қиз бамаъни оилада ҳеч нарсага зорикмай ўлганга, ўқиган, маълумотли бўлган. А. исмли йигитдан келган совчиларга ўз хоширолдаси, ақл-фаросати билан розилик берган, ота-онанинг умидларини оқлаган. Аммо бир неча йиллардан буён уни севиб келган синфдоши Н. билан ҳоли учрашишга рози бўлган. Н. билан биринчи ва ягона бу учрашуви қизнинг номуни топталиши билан якунланади.

Балки ҳозирги даврда қизларнинг тўйдан олдин номуни бой бериб қўйиб, кейин яна "қиз боладек" турмушга чиқиб кетавериши одатий ҳолга айланиб қолгандир? Эҳтимол Гулноранинг онаси ўз ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда бундан ўзга тўғри йўлни тополмагандир? Балки Гулнора ҳам тўйдан кейин бахтли яшаб, бир ўғил, бир қизнинг онаси бўлганича ҳақиқатан ҳам виждон азобидан қийналгандир.

Аммо Гулноранинг шунча қўнғилларидан кейин турмуш ўртоғи кечириб, болалари ҳаққи-ҳурмати қайта турмуш қуриб яшашни таклиф этиб турган бир пайтда у яна иккиланди.

Қаранг-а, уни тўйдан олдин бадбахт қилиб, жуфтлаки ростлаган, кейинчалик ўша муртадлиқ сабаб гулдек оиланинг

пароканда бўлиб кетишига сабаб бўлган Н. ҳамон Гулноранинг қарши-сида турган ҳаёт-мамат саволларидан бирига айланган.

Хафа бўлмангу, Гулнора, балки сиз ростдан ҳам яхши қиз, яхши бека, яхши онадирсиз. Аммо оқила аёл эмассиз. Ҳаётда не-не кўргилиқлар бўлмайди, дейсиз. Не-не гина-кудуратлар унутилмайди дейсиз, аммо фарзандларингизнинг отасиз, ўзингизнинг шармандаю шармисор бўлиб қолишингизга сабабчи бўлган инсон билан яна қандай қилиб бир ёстиққа бош қўйишни ўйлай оласиз? Сизни-эртага тўйи бўладиган қизни "севиб" туриб балчиққа булғаб кетган одам фарзандларингизга оталик қила олишидан қандай умид қиласиз, ҳайронман.

Гулнора! Тушунаман. Сизга ҳам осон эмас. Эҳтимол, сиз бир умр Н. ни севиб келгандирсиз. Эҳтимол Н. ҳам аввалги, бировнинг бахтини маккорлик билан ўғирлаб кетган жирканч махлуқдан инсофли одамга айлангандир. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам, қаршингизда турган йўларнинг қай бирини танлашингиздан қатъий назар хар иккалангиз ҳам виждон азобидан бир умр қутулолмайсиз.

Ваҳоланки, қолган умрингизни фарзандларингизга бағишлаб ўтказишни ўйлашсангиз, бунинг энг тўғри йўли Н. билан эмас, эрингиз билан қайта турмуш қуришдан иборатдир. Жавобгарлик ҳисси сиздан ҳам, эрингиздан ҳам янгитдан турмуш қургач катта масъулият талаб этади. Бу масъулиятнинг залворини кўтара оласизми?

Н.га келсак, жазосини аллақачон олиб бўлибди. Лозим бўлса, бир умр виждон азобидан қутулмай ўтаверсин.

**Д. КЎЗИЕВА,**  
Сурхондарё вилояти,  
Сумқўрғон тумани,  
Кумкўрғон тумани.

**А**зизим Гулнорахон! Дил изҳорингизни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу дунёда разил, ифлос инсонлар ҳам учраб тураркан. Гулнорахон, Н. акангиз нима учун сизни бундай қилдиқан? Балки у дадангизнинг давлати учун шундай қилдимикан?

Агар кўнгли тўғри инсон бўлганда А. акадан олдинроқ совчи юбориб, уйларидами? Ростдан ҳам севса нега энди сизга ҳалол йўл билан эмас, разил ва ҳаром йўл билан етишмоқчи бўлди? Қаранг-а, бу инсонга Оллоҳ ўзи жазосини берибди. Яна уялмай ёнингизга келганига нима дейсиз? Энди сиз-чи, Гулнорахон, ҳаётингизда шунча можаролар, кўнғилсизликлар бўлиб туриб ҳам уялмайсизми, "Синфдошимга турмуш

га чиқайми?" - деб айтгани. Айтдиларки, мўмин одам гаянда чаққан бир инга қўлини иккинчи марта олиб бормайди, деб. Сиз-чи? Шунча ишдан сўнг ҳам яна ўшани десамми, деб калта ўйлаясиз. Азизим, сиз асло уни оилангизга ҳам, ўзингизга ҳам яқинлаштирмаган. Ширин сўзлари-ю, алдовларига умчанг. Сизга бор меҳрини берган, ўз қизидай суюнган қайнота-ю, қайнонангиз бор, ўғил-қизингиз, қолаверса жондан севган турмуш ўртоғингиз бор-а, уларнинг уволи тутмасмикан, чирқирайиб ташлаб кетсангиз? "Нимани қилсанг хор, бўласан шунча зор", дейди доноларимиз. Болаларингизнинг дадажонисини билан бир умр бирга бўлинглар демоқчиман.

**Каромат ДЕҲҚОНОВА,**  
Қашқадарё вилояти,  
Косон шахри

**Г**улнорахон! Ушбу мақолани ўқир эканман, эсимга бир воқеа тушиб кетди.

Бир эр-хотин бўлган экан. Улар жуда яхши, иноқ яшашаркан. Лекин аёл негадир бетинч экан. Гоҳ-гоҳида хўнграб-хўнграб йиғлаб тураркан. Эри: "Хотиним бахтидан қувониб йиғлайди", деб бепарво юраркан. Бир кунни тоғ ёнбағирларига сайрга чиққибди-ю, бир форни кўриб қолишибди. Эри айтибди: "Бу фор сирли, кимдидир гуноҳи бўлса, букри бўлиб чиқаркан", - дебди. Хотини роса кўрқибди, лекин сездирмабди. Эри: "Юр, бизлар ҳам ўтамиз, бегуноҳимиз-ку, мен сендан олдин бирор қизга қиб ҳам боқмаганман", - деб хотинини форнинг ичига олиб кириб кетибди. Форнинг нарёғига чиққанларидеда хотини букри бўлмабди-ю, лекин сочлари оплоқ эмиш. Аёл ўшанда айбини бўйнига олиб, ҳиёнати учун эридан узр сўрабди. Эр кечирармиди? Оилалари бузилиб кетибди. Сизни болаларингизнинг отаси кечирибди, лекин мен бир нарсаси

жуда ҳайронман. Оила муқаддас даргоҳ. Ватан - дегандек. Ватан эса остонадан бошланади. Ватан душманини қучоқ очиб қутиб ола-сизми? Улим унга. Шундай экан, сизни умрбод бадном қилган, ширин ҳаётингизга заҳар солган, оилангиз душманига қандай қилиб қучоқ очмоқчисиз? "Керак бўлса, ота-онангни ўзи сени менга тўй қилиб беради", - деб устингиздан қулган одамга қандай қилиб қайтмоқчимисиз? Севгисини учун курашсин эди. У аслида сизни севмаган, сизни азобланишингиздан роҳатланган. Энди ҳам сўзлари ёлгон. Билинги, сизни фарзандларингиз кечиримайди. Барибир катта бўлишгач, отасини топишади, ундан эшитишади, минбаафд сиздан воз кечишади.

Оллоҳдан бахтингизни қайтишини тилаганингизда ўша номард синфдошингизни тилаганингизга қайнота-қайнонангиз сизни дейишса, эрингиз хатосини тушунган бўлса сизга яна нима даркор? Уша сиз ишонаётган синфдошингиз жуфти ҳалолингизни устидан

кулгани етмагандек, энди болаларини ҳам хор қилмоқчимисиз? Сиз унга қайсангиз, уни муродига етишига сабабчи бўласиз-ку. Қизлик пайтингизда сизни абгор қилган у номард икки фарзандингиз билан сизни бошига урадимми? Елгон! Фарзандларингизни ота меҳридан жудо қилманг. Фарзандларингизни бағрингизга босиб, ёлғиз яшашни ҳаёлингизга ҳам келтирманг! Сизни анави ифлос тинч қўймаслиги аниқ. Илтижоларингиз ижобат бўлиб, Оллоҳ таолонинг сизларга раҳми келгандир. Оллоҳ таоло жуфти ҳалол эр-хотинларни жуда сийлайди, дейишади. Ажабмас, аввалгидек тинч-тотув оила бўлиб, яшаб кетсангизлар. Азизим! Оилангизга қайтинг! Хатони каттасини сиз қилгансиз, лекин энди йўлдан адашманг. Эрингизга раҳмат.

**Фотима БОЛТАЕВА,**  
Хоразм вилояти,  
Қўшқўприк тумани,  
"Ших" қишлоғи",  
29-мактаб ўқитувчиси.

**Г**улнора опа, ёшим сизникидан озгина кичик бўлса-да сизга ўз фикримни, маслаҳатимни бермоқчиман.

Гапнинг индаллоси турмуш ўртоғингизнинг ёнига қайтинг! Биринчидан, турмуш ўртоғингиз айтганларидек, беайб Парвардигор. Аллоҳнинг сизга бўлган марҳаматини қарангки, турмуш ўртоғингиз сизни кечириб, қайтишингизни ёлвориб сўраётдилар. Сиз нияти бузуқ синфдошингиз туйғайли қанчадан-қанча азоблар тортингиз. Турмушдан ажрашиб, яна қанча сикилишларингиз, азоб торганларингиз, эх... Буларнинг барчасига сабрли бўлганингиз учун ҳам Пар-

вардигор яна бу дунёвий бахтини бермоқда, деб ўйлайман. Иккинчидан, сизнинг ўрнингизга ўзимни қўйиб кўрдим. Бу билан демоқчиманки, агарда сизнинг ўрнингизда бўлганимда, турмуш ўртоғимнинг ёнига қайтиб, болаларимизни биргаликда тарбиялаб, бу ёнига мана шундай синовлардан ўзи асрашини, гуноҳларимни кечиритишни Оллоҳдан сўраган бўлардим. Учунчидан, зинҳор-базинҳор синфдошингизнинг олдига қайта кўрманг, ҳатто бунга ҳаёлингизга ҳам келтирманг! Агарда у киши сизни ростдан ҳам чин дилидан севганида эди, бундай қабиҳ ишга қўл урмаган бўларди. Чунки бундай воқеаларни ҳаётда кўп кўрганман.

**Барно ЭРГАШЕВА**

**М**ақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Қизим, ота-онангиз жуда ақли, тушунган инсонлар эканлар. Уларнинг ҳурматлари учун ҳам биринчи турмушингиздан ажрашманг.

Келин бўлиб тушган хонадонингиздагилар ҳам яхши инсонлар экан. Айниқса, қайнона-қайнотангиз сиздан хабар

олишиб, фарзандларингизни бағриларига олишгани-чи? Сиз кайфчиликда А.акангизга шу гапни билмай гапириб қўйибсиз. Синфдошингиз сизга вафодор эмас экан. Агар нияти пок бўлганида, минг яхши кўргани билан шу қабиҳ ишга қўл урмай, А.акангиз билан бахтли яшашингиз учун йўл берган бўларди. Сиз

энди унга ҳечам яқинлашмай, А.акангизни ҳурматлаб, фарзандларингизни бағрингизга олиб, бахтли яшанг.

Энди сира ҳаёт йўлингиздан адашманг!

**Паттихон САМАДОВА,**  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон тумани,  
Соҳибкор ш/х.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЗОГА САЗОВОР



**БАҲРОМЖОН!**  
Туғилган кунинг билан қутлаймиз. Сенга узоқ умр тилаймиз. Уйимизнинг файзи, юрагимизнинг кўри бўлиб юргин. Таваллудинг қутлуғ бўлсин, Иқболнинг балана бўлсин. Оила аъзоларинг номидан доданг, катта ойинг.

**ҲАСАН ва ҲУСАН!**  
Сизларни 40 ёшга тўлашингиз билан табриклар, мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Келин-қўлингиз Дилфуза, Мирсалиқовлар оиласи.



Соҳиба опа Ирисхожиева 50 йилдан буён қалам тебратиб, ўз асарлари билан ёш авлодни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳиссасини қўшапти. Унинг "Болалар адабиётида дидактика", "Ҳаётнинг тиник кўзгуси", "Кичиктойлар олами", "Шоир ва мураббий", "Ёш авлодни тарбиялашда болалар шеърятининг аҳамияти" каби илмий китоблари чоп этилган. Кўп йиллик ижодий меҳнат самара-

си бўлган бу китобларда Соҳиба опа болалар адабиётининг долзарб масалалари ҳақида фикр юритди.

Тиниб-тинчимас Соҳиба Ирисхожиевнинг оиласи ҳам ҳавас қилгудек. Турмуш ўртоғи Раҳимжон ака Мираҳмедов билан 50 йил сермазун умр кечирди. Дилором, Гулнора, Нарғиза ва Нигора исмли, бир-биридан дилбар тўрт нафар қизларни ўстириб вояга етказишди. Ҳар бирини олий маълумотли бўлишга ёрдамлашиб, ўзларига муносиб йигитларга турмушга беришди. Ҳозир 10 нафар набиралари ва шириндан-шакар тўрт нафар эваралари бор.


- Адабиётшунос учун кечаю кундузнинг фарқи йўқ экан. Мен бунди Ойбекнинг йигирма томлик асарини наشرга тайёрлаш пайтида ҳис этдим. Касбимни яхши кўриб, ҳамisha қадрлаганман, шу боис элга танилдим, ҳурмат қозондим, - дейди Соҳиба опа.

Болалар адабиёти ривожини учун ҳамон ҳорғай-толмай меҳнат қилаётган Соҳиба опани таваллуд айёмлари билан муборокакбод этарканмиз, мустақкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

БАСИРА

Кутлов

ЧУМОЛИДАЙ ТИНМАСДИНГИЗ...



Отажонимиз Раҳматулла Саъдуллаев 9 август куни 55 ёшга тўлардилар. Катта тантана билан нишонлашни режалаштириб қўйгандик. Афсус, бу кунлар насиб этмади. Умрининг 35 йиллини ошпазлик касбига бағишлаб, бир умр эл хизматида бўлганди отажонимиз.

Айтилмаган ниятлари, сўзлар қолди, Яқинлари, ёру дўстлар бўзлаб қолди. Дийдорига тўймай қолдик ислар қолди, Яхши ному, бешта қаро кўзлар қолди, Отажоним бизни эрта ташлаб кетди.

Чумолидай тинмасдингиз, бизларни деб, Яшадингиз, фақат ўғил-қизларни деб, Фарёд қилиб йиғлар энди қаро кўзлар, Тополмасмиз отам боғсан изларни деб, Отажоним бизни эрта ташлаб кетди.

Балки руҳи кезар кунда уйимизда, Бўлар мадад юрар йўлу, ишимизда, Сўзлашамиз сиз-ла фақат тушимизда, Тополмасмиз излар бўлса хушимизда, Отажоним бизни эрта ташлаб кетди.

Оила аъзоларингиз.

ЭЪЛОНЛАР!

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006.24.05 даги 10-0614/5216-сонли ҳал қилув қарорларига асосан «БАНКРОТ» деб эълон қилинган «NIPPON SERVIS» МЧЖнинг навбатдаги кредиторлари йиғилиши 2006 йилнинг 18 августида Юнусобод тумани ДСИнинг 2 қават 15 хонасида соат 10<sup>00</sup> да бўлиб ўтади.  
Юнусобод туман ДСИ биноси, А. Темур кўчаси 95-йў, 2-қават, 15-хона.  
Мурожаат учун телефон: 135-87-26.

Фирмаларга бош ҳисобчи тайёрлайман. Репетиторлик қиламан. ТЕЛ: 397-31-55

Юнусобод тумани, Собир Толипов кўчасидаги 20-22-сонли ҳовиллар учун БТИ (Бюро технической инвентаризации) томонидан тузилган уй режаси (план) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мамлакатхон опа ва Собир ака Қосимовларга қизлари МУҲАББАТХОНнинг бевақт вафоти муносабати билан оила дўсти Ҳалимаҳон Эргашева чукур таззия изхор қилади.

"Хомийлар ва шифокорлар" йилида Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ишга туширилаётган "Табобат" хусусий шифохонаси фақат теридаги оқ доғларни даволашга ихтисослашган. Бу ерда беморлар - дерматология бўйича диагностика, маслаҳатлар, консерватив даволаш, функционал диагностика, ҳамда клиник лаборатория текширувлари ўтказилгач, стационар шароитда даволанадилар. Ушбу, "Табобат" хусусий шифохонаси раҳбари, шифокор Сайёра Шерқобилова витилиго касаллиги ва уни даволаш ҳақида шундай дейди:  
- Витилиго нима эканлигини, у билан дард чекаётган беморларимизга қанчалик оғир эканлигини жуда яхши билман. 30 йиллик тажрибам асосида 18 йилдан буён тери оқ доғлари устида

лик нима эканлигини билмаган кишиларга муурожаат қилиб касалликни ўтказиб юборари. Кўп жойни қоплаб олишига қарамай тўғри муолажа қилинса тез кетади.  
б) Суст тарқаладиган оқ доғлар бир неча йилда битта кўпайиб қўйгани сабабли бемор хотиржам юрганлиги боис шифокорга қачон иккинчи, учинчи оқ доғлар пайдо бўлгачгина муурожаат этади. Бу орада касаллик терининг чуқур қисмига кириб бориб, тери тукларини ҳам оқариб юборари. Бу эса касалликнинг оғир ҳолатга ўтказиб юборилгандан дарак беради.  
- Ай-й-оов...,- деб қўяди ичкаридаги бола.

Нимагадир ичим қалтираб кетди. На кетаримни, на қола-римни билолмай иккиланардим. Ичкаридаги йиғламсиқ

сабаб бўлаётган бола, деб ўқирдим. Бунинг устига кичкина гуруҳнинг тарбиясисмасманми, болаларнинг хархашаси-ю, шўхликларини кўтариш, ҳам минг азобдек туюларди. Шундай кунларнинг бирида гуруҳимга Фарангис исмли қиз келди. Қизчанинг онаси ниҳоятда қўшқил аёл бўлиб, ўзи аза қийимда эди. Боланинг ҳамма ҳужжатлари жойида, ўзи ҳам соғлом ва дуркун қизалоқ бўлиб, қўғирчоқдек чиroyли эди. Аммо қизганининг ҳаммасини беэдриб юборган бир томони бор эди-ки, у уззу кун вағиллаб йиғлар, на силлаб-сийпа-шимизга, на ўйинчоқларга, на овқатга қарарди. Аксига олиб, онасига "болангиз боғчага кўниккунга қадар уни ҳеч бўлмаса бир hafta, ўн кунча фақат тушгача қолдириб, кейин олиб келинг", деганимга қарамай, хар кунни ҳаммадан кейин судралиб келар, ҳатто шанба кунлари ҳам ариллатганча қизини боғчага ташлаб кетарди.

Боланинг кун бўйи хунар кўрсатиб, кечқурун ойиси келиши билан чулдираб, қулиб, онасини ялаб-юлкаб қолишини кўриб, баттар туютардим.

- Болани, ҳам шунча талтайтирадими одам! Мана, шу болаларнинг қизингиздан қаери кам. Ўтиришибди-ку бир-бири билан ўйнаб. Сизни болангиз на бировга қўшилади, на бир нарсига қўнади. Аёл танбехларимни миқ этмай тинглар, баттар жинимга кўзитиб, қизчасининг бошини силаб қўлчалари, ёноқларидан ўлар, қизалоқ ҳам онасининг бўйнидан маҳкам қучиб оларди. Бу лапашанг хотин билан бирга чора топишинг иложи йўқлигини кўргач, энди Фарангис хархашасини бошлаши билан унга қаттиқ-қаттиқ уришадиган, бурчакка турғазиб қўядиган бўлдим.

Дастлаб, менинг жазолашларимга баттар инжиқлик қиладиган қиз юмшоқ жойига ҳам бир-икки тарсаки еғач, ювош тортиб борди. Аста-секин, бир ойга бормай Фарангиснинг гуруҳда бор-йўқлиги ҳам сезилмай қолди. Қизнинг мени кўрганда кўрқиб, киприқларини пирпиратишини кўриб, қулиб кистар, баъзан меҳрим қилиб унга ширин гапиргим келарди-ю, яна халдидан ошиб кетмасин деб сир бўй бермасдим. Бора-бора қизалоқнинг ўта юввошлиги ҳам асабимни кўзгай бошлади. Айниқса, бир кун ҳаммасидан ошиб тушди. Фарангис ўтирган жойида иштонини булгаб қўйибди. Ваҳоланки, унинг ёшидаги болалар ҳаммаси тувакка борар, у ҳам шу ишни бажариб юрарди. Аммо бу гал...

- Хой, аҳмоқ, қиз! Нима қилиб қўйдинг, жинни? - аюхоннос солдим унинг бошига келиб. Қолган болалар билиб-билмай ундан нари сурилишди. Фарангис эса... кўзимга тик қараганга тураверди.

- Тур жойингдан! Бор туалетга,- буюрдим унга. Қизча жойидан оғир кўзғолди. Яна менга ўқрайиб қаради.

- Бўл тез! - Бақирдим унга хоҳатхона томонини кўрсатиб. Сўнг бадбўй хиддан буришимни ёпиб, энагани қақира бошлади.- Наргиза! Хой Наргиза! Фарангисни тозалаб ол, "падарка" қилиб қўйибди.

(Давоми бор.)

ХИЛОЛА  
Дилфуза ҚУЗИЕВА  
ёзиб олди.

## БИР ХАТОНИНГ

қолган иккаласи ҳам хали дарсдан қайтишмабди. Кун совуқлиги учун ўйимлироқ, суйимлироқ овқат қилай деб, ошхонада лағмонга унай кетдим.

Изимдан кирган қизалоқим ҳамир қораётганимни кўриб, қийқирди.

- Ур-рей! Шомша кивотти аям, шомша!

- Йўқ қизим, бу сомсамас, лағмон,- дедим унга.

- Лағмон емийман. Макалонга ўхшийди. Шомша ёйман, шомша!- депсинди қизалоқим.

Уни амаллаб овутидим-да, ишимда давом этдим. "Шу кўшнимиз ҳам фалати,- ўйладим ўзимча,- ҳар икки кунинг бирида бизникига қовоқ сомса кўтариб чиқиб, болаларни мазахўрак қилиб ташлаган. Мана энди каттасидан-кичиги бошқа овқатни тан олмай қўйган. Аммо рости ўзим ҳам ҳеч болаларимга сомса пишириб бермабман. Ҳатто қайнонамникида ҳам бирор тўй-ҳашамга борадиган бўлсак, уч келин бир бўлиб бирор пиширик қилиш ўрнига, бозордан тайёрини олиб қўйверардик. Кел, шу бугун сомсам қила қолай. Хозир болалар ҳам мактабдан келишгач, қарашворишар".

Ўша кунни биргина сомса тўфайли уйимизда байрам бўлиб кетди. Болалар аввал иштаха билан лағмон, кейин сомса ейишди. Лағмонда тўртта-бешта сомса қолганда, бирдангига катта қизим:

- Вой, ая! Кўшника олиб чиқиб эсимизга келмабди-қул-деб қолди.

- Нима, болалардан узаттивормаганмисиз?- сўради эрим ҳам.

- Эй, ёмғирни қаранг! Яна шу маҳалда бировникига чиқаманми? Бугега чарчабам кетдим,- чимирлидим мен.

- Қизим, тур! Жавондан бир тарелка билан сочиқ ол, хали совимасдан қўшникига олиб чиқиб бера қолинглар,- буюрди эрим, қолган сомсаларни бир жойга жуфтларкан.

- Вой, дадаси уят бўлади. Тўрттагинани қалтиратиб олиб чиқасан... Бошқа гал олиб ўтақоламиз,- дедим яна.

- Э, бўлади, бўлади. Бечора кўшнимиз ёлғиз боши билан биттагина ноғирон қизчасини боқаркан. Бугун билибман шуниниям. Мен бўлса бу аёлни ёлғиз яшаркан деб, хайрон бўлардим. Обор,- деди эрим қизим берган лиқопчага қолган 3-4



## ФОЖЕАСИ

Хуллас, биринчи гал кўшнимникига ўзим чиқдим. Сомсага қўшиб печенье, қанд-курс олволганимни кўриб, шўрлик аёл питирлаб қолди. "Киринг-киринглаб", ичкарига чорлади. Қўшнимнинг уйи сариштагина, аммо ниҳоятда камбағал яшашни кўриб турарди. Бизнинг-ку уйимиз эски бўлса ҳам, тўрт хона айвонли. Худо хоҳласа, келгуси ёзда ҳамма ёғини "евро-ремонт"дан чиқармоқчимиз. Аммо кўшнимники бор-йўғи икки хонадан иборат чордевор экан. Айтдим-а, нега девор оша қараганимда уларнинг томоққаси бизникидан катта кўринади деб. Аёл шоша-пиша кўрпача олди. Чой қўйди.

- Қизик экансиз-а, кўшни,-гина қилишни бошладим мен.

- Икки ойдан бери бирор марта қизим бор ҳам демабсиз. Биз ҳам бундоқ... - очиги бўёғига нима дейишни билмай, тилимни тишладим. Ахир мен ҳам бу аёлни бефарзанд деб билар, ора-сира уйимизга чиққанда, болаларимнинг иргиллаб ўйнашича завқландим, паршон қараб қолишларини кўриб, рости, болаларимга кўзи тегиб қолмасмикин, деб хавотирланардим ҳам.

- Нимасини айтасиз, Хилола-хон,- сўз бошлади кўшним. - Ҳам одамни адо қилиб юбораркан. Шунинг учун ҳам сиз мени сира танимадингиз. Мен ҳам сизга ўзимни танитишдан исти-

овоз янада қаттиқроқ чиқди:

- Ай-е! Ай-йо!

Бирдан бу овоз, бу талаффуз менга танишдек туюлиб кетди. Қаерда эшитганман уни? Қаерда? Секин ўрнидан туриб, ичкарига мўраладим. Қарасам, чойшаби хозиргина янгиланган ўрин устида ўн беш ёшлар чама-сидига бир қиз эрим ётган қуйи мен олиб келган сомсадан ер, ақли заиф болалардек овқатни пала-партиш, очқўзлик билан ютоқиб озгига тикар, сочи тап-тақир қилиб олиб ташланганиданми, қошукўзининг қол-қора чизиб қўйилгандек чиroyли бўлишига қарамай ўғил болага ўхшарди. Қизнинг кўзи менга тушгач

бакрайиб қолди. Ковшанишдан тўхтади. Кўшним эса эшикка орқасини ўтирганча қуймаланар, мени кўрмасди. Менга ҳам қизалоқнинг чехраси таниш туюлди. Овсар қиз менга қараган сайин чехрасида даҳшат акс этарди. Борган сари менинг ҳам юрагим қаттиқ тепа бошлади. Мен... бўлиши мумкин эмас... мен... мен қизалоқни танидим, аниқ-таниқ эсладим. Бу қиз...

Тўсатдан қиз олдида турган лиқопчани сома-ю печенеълари билан отқилаб, қўлларини менга бигиз қилганча, кўзлари олақула бўлиб, ноинсоний овозда, ваҳима билан чинқира бошлади.

- Ай-й-ё! Ай-й-оов!!!

Бирдан ҳаммаси ёдимга тушди, ҳаммаси! Ва шилқиллаб, остонага ўтириб қолдим.

Ўшанда сиртдан ўқиб, боғчада тарбиячи бўлиб ишлардим. Келин бўлиб тушганимга икки йилдан ошган, аммо ҳамон фарзандли бўлолмаган, мендан кейин тушган овсиним аллақачон иккиқат, уйдаги ҳар кунги жанжал ҳам тортишув ҳам шу масалада бўлиб, овсинларимга бир сўз ортиқча гапириб қолсам, тамом қайнонам: "Ҳа, тугмас! Сан буларга ҳасад қиласанда! Аланимдан яна жанжал бошладингми?", деб тергашга тушарди. Туни билан юм-юм йиғлаб чиқар, ишга ҳам бир ахволда келиб-кетар, шунча хўрлигимга

Бобом исрофгарчиликни жуда ёмон кўрадилар. Балки, ёшликларидан олти ўғай онанинг кўлида туртиб-суриниб воёга етгани сабабдир. Чунки, бобомнинг оталари бир вақтлар Бойсуннинг энг олди бойларидан бўлиб, етти марта уйланган эканлар. Беш ёшларида оналаридан айрилган бобом олти ўғай онанинг кўлида қолиб кетади.


Бобом бизларникига меҳмонга келсалар, у кишининг феъли маълумлигидан исроф масаласига жуда эътиборли бўлиб қоламиз. Аммо бир куни дастурхонни қоқаётган эдим, кўрмаганман шекилли, бир бўлакча нон ушоқлар билан бирга ерга тушиб кетди. Олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай қолдим. Бобом кузатиб турган экан, гапириб қолдилар:

— Болажон, нонни бекор овора қилдинг-да. Дастурхонни қоқмасдан ушогини териб олиб, товукларнинг дон-дунига қўшиб берсанг, тупроққа-ям қоришмайди, увол ҳам бўлмайди. Қараб турсам, ерга тушиб кетган ноннинг бўлагини олишга ё эринаяясан, ёки жирканаясан. Билмайсан-да, бир замонлар шу ноннинг урвоғига ҳам ким-кимлар хору-зор эди. Вақти келганки, итнинг оғзидаги нонни ҳам тортиб олиб еганмиз.

Буларни эшитиб, рости мулзам бўлишдан кўра бобомнинг гапларига қизиқиб қолиб, тезда ердаги ноннинг бўлагини олиб баландроқ жойга қўйдим-да, у кишининг ёнларига келиб, бирон қизиқарли воқеа тинглаш илминжида ўтириб олдим. Бобом ҳам мударрамон пайқадилар шекилли, томогини қириб, бир пиёла совуқ чойни мириқиб симиридилар ва секин гап бошладилар:

—1946 йилнинг изгирилли киши эди. Уша вақтдаги Бухоро педагогика институтининг иккинчи курсида ўқирдим. У давларда талабалар учун ҳозиргидай шароит қаёқда. Йилда бир марта зўрга Бойсунга бориб келардим. Йўл азоби—гўр азоби, деганларидек, баъзида шу ўқишни бирдан тамомлаб, кейин уйга борсаммикан, деб ҳам ўйлаб қолардим.

Жуда очарчилик, қахатчилик вақтлари эди. Уруш тугаган бўлса-да, у қолдирган машъум яранинг битишига нечача сувлар оқиб ўтиши керак эди. Амаллаб ейишга ул-бул топиш мумкин эди-ку, аммо оғзимизга ноннинг лоқал урвоғи ҳам кирмасди. Отамнинг бир таниши орқали поезддан юборадиган қоп-қоп туршаги мени очарчиликда ўлиб кетишдан сақлаган. Аини замонда туршак жуда тансиқ саналиб, пишиқчиликкача нон ўрнига ҳам, овқат ўрнига ҳам туршак ердик. Меликул деган бойсунлик курсдоқим бўлар, орамиз жуда яқин эди. Баъзан пулимиз тугаб, ҳатто туршак ҳам қолмай очилқдан тинкамиз курсида, у-бу маърақа бўлаётган хонадонларга бориб, қорнимизни ярим коса ёвгон билан алдаб келар эдик. Бора-бора бу ишмиз ҳам панд бериб, маъракалардан қувила



Хаёт ташвишлари ва қувончлари

ХАЛОЛЛАШГАН НОН

бошладик. Бир куни бирон егулик илминжида кўчага чикдик. Йўлда кетаётиб, оппоқ буханка нонни тишлаб олган бир итга кўзимиз тушди. Меликул менга қаради, мен унга. Шундай қилиб нон дардида итчи қувлашга тушдик. Аини қирчиллама киш эмасми, қор тизза бўйи. Югуриш тугул, бемалол юришининг иложи йўқ. Нафс ўлгурга бунинг фарқи бор дейсанми? Йиқилиб, думалаб бўлса-да, итни ҳоли-жонига қўймасдан унга етиб олишга ҳаракат қилардик. Биримиз думидан тортса, яна биримиз оёғига осилардик. Бечора ит тишлай деса, оғзидаги нон тишиб кетади, хуллас у ҳам, биз ҳам роса қолдан тойдик. Яхшиям кўчада ҳеч ким йўқ, бўлмаса тоза кулгига қолармикид. Ит, бу одам-зотдан қутула олмайман шекилли, деб тақдирга тан бердим, ҳар тугул, беҳосдан оғзидаги нонни тушириб юборди. Фурсат-

Хаётда шундай онлар бўлар эканки, кўнглингни тушунадиган бирорта киши билан гаплашгинг, юракдаги борини тўкиб солгинг келаркан. Камина ўйлаб-ўйлаб инсон қалбини асраб-авайлайдиган, унга ҳамдард, ҳамфикр бўла оладиган, кези келса кўнглингдаги губорларни тумандек тарқатиб юборадиган газета-“Оила ва жамият” эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу қарорга қилишимнинг боиси шуки, ҳафтанинг

ҚАЙНОНАМ — ОНАМ



дан фойдаланиб нонга чанг солдик. Итнинг бир чеккада мўлтираб туришини кўрсанг эди. Раҳимимиз келиб кетди, бир тарафдан виждонимиз қийналиб ноннинг бир бўлагини унга бердик. Итнинг нонни ютоқиб ейишини томоша қилиб, оғзимиздан сув оқиб кетди. Галдаги вазифа ноннинг қолган қисмини ҳалоллаш эди. Нима қилиш керак? Шунда Меликул бир мулладан эшитганини сўзлаб қолди. Унинг айтишича ит оғзи теккан нарсани баланд жойдан пастга қараб етти марта отса ҳалол бўлармиз.

Бизнингча баланд жой ётоқхонамиз жойлашган икки қавадлиқ бино эди. Коровулга билдирмасдан томга чикдим. Меликул пастда қутиб турарди. Мен нонни пастга отишим, у эса илиб олиб менга қайта иргитиши керак эди. Хуллас, ногинамизни ҳалоллашни бошладик. Охириги марта нонни унга қараб отганими биламан, Меликул уни чаққонлик билан илиб олди-да, орқа олдига қарамай юғра бошлади. То адабини бераман, деб томдан тушгунимча, ҳовлида изи ҳам қолмабди. Шундай алам қилди-ки. Бунинг устига қорин ўлгур жуда оч. Асли буюрмаган буюрмас экан-да, деб шўпмайиб хонамга қириб борсам, Меликул тиржайиб ўтирибди.

Энди таъзирини бераман деб чоғланган эдим, қўли билан столни кўрсатди. Қарасам, бизнинг ҳалол бўлган нонимиз турибди. Уша ноннинг мазаси ҳали ҳалигача оғзимдан кетмайди, бўлиб ўтган воқеа эса мени гоҳида қулишга ундаса, гоҳида уялтиради. Шунда, одам боласи нафси учун нималар қилмайди, деб ўзимга-ўзим гапириб қўяман... Бобом ҳикояларини яқунлаб менга қараб қўйдилар. Бу нигоҳ замирида чинакам ҳалол инсоннинг кўнгли кўрингандай бўлди.

Малоҳат МҲМИНОВА

дек оқиб, ўтди-кетди, имтиёзли диплом қўлимга теғди... Охириги босқичда таҳсил олган эканман, уйимизга келадиган совчиларнинг кети узилмасди. Ҳаммасига жавоб битта: “Кизимиз ўқишни тамомласин!”

Хуллас, рисоладагидек тўй бўлиб ўтди. Мени бўлажак куёв эмас, қайнонамнинг ўзи танлаган экан. Сабаби, қайнонам шаҳарда тиббиёт соҳасида узоқ йиллар ишлаган, “Нодирахон Тўрақуллова” бўлиб танилган, ўғлига албатта шифокор келин олиб беришини ният қилган экан.

Балоғат ёшига етган пайтларимизда қўлоғимизга хўп қуйшарди: “Авал қайнонамни қўлга ол”, “қайнонамнинг боисини шуки, ҳафтанинг

паст қилиб қўйибман. Турмуш ўртоғим ошдан икки-уч ошам олди-ю, “тузи кам” деди. Қайнонам менга кўзини қисди-ю, ўғлига деди:

—Тузи жуда яхши. Сен ўзи овқатнинг тузини бостириб ейсан. Мана, шакаротдан қўшгин, тенглашади.

Пешонамдан йирки-йирки тер чиқиб кетди. Шу топда ўрнимдан туриб қайнонамни бағримга босгим, юзларини силаб: “Раҳмат, сизга” дегим келди.

Оилада менинг зараримга сўз айтиладиган бўлса, қайнонам қалқон бўлади, мени ҳимоя қилади. Бу меҳр, бу эътибор юрагимни тоғдек кўтаради. Ишдан хориб келганим ҳам кўзимга кўринмайди, югуриб-елиб хизмат қилавераман.

Энди қайнонамнинг бошқалардан ажралиб турадиган, менига ибрат бўладиган томонларини санайдиган бўлсам, бармоқларим камлик қилади. Аввало у киши кўни-кўшнилари билан аҳил ва иноқ, Биронта тансиқ таом тайёрланса, уларга илиниб туради. Иккинчидан, болажон. Набираларини еру қўкка ишонмайди, бағрига босиб, суюб эркалатади. Қайнонам учун боланинг бегонаси йўқ. Учунчидан, тили ширин. Танбеҳи ҳам мулоим, кишига оғир ботмайди. Энг асосийси, кек сақламайди. Аслида оиламизда араздайдиган, аччиқ-тирсик гапларнинг ўзи бўлмайди. Бунга ҳам йўл қўймайди. “Оила ва жамият”ни

қайнона бу”. Хуллас, биз учун қайнона она эмас “олабужу” бўлиб кўринарди. Мен ундай сўзларга парво қилмас, “бошга тушганини кўз кўради”, деб кўярдим. Не бахтки, пешонамга мен орзу қилган, онам билан тенг кўрадиган (балки ундан ҳам зиёда) аёл ёзилган экан. Қайнонамнинг қайнотам билан, ўғли-турмуш ўртоғим Баҳодиржон билан, келини-мен билан мулоқотлари алоҳида ўзига ҳос. Айниқса менинг исмиمنى айтмай “қизим” деб алқашларини айтинг. Ҳечам қовоқ уйиб турганини, жеркиб сўзлаганини эшитганим йўқ.

Барибир, жон бор жойда жанжал бор. Ҳар бир оилада кўнглисиз дилсиёхликлар бўлиб ўтади. Шулардан бирини айтиб бера қолай. Ҳазимни шинаванд пазандалардан кам ҳисобламайман. Айниқса паловни алоҳида ҳафсала билан тайёрлайман. Бир куни нима бўлди-ю, ошининг тузини

варақлар эканман, қайнонамидан азият чеккан (ҳатто уйлари бўзулиб кетганлари қанча), қайнонамни кўргани кўзи йўқ, бир пиёла иссиқ чойини ҳам раво кўрмайдиган келинлар ҳақида кўп ўқийман. Тўғри, буни турмуш деб қўйибдилар. Бировнинг тутган тутуми бошқага андоза бўлмайди, албатта. Аммо, нима бўлганда ҳам, мен севимли қайнонам ҳақида тўлиб-тошиб сўзлагим, чексиз меҳримни ошкор қилгим келаверади.

Муддао шуки, оиланинг мустаҳкам бўлишида, эр-хотиннинг аҳил ва иноқ ҳаёт кечиришида қайнонамнинг роли қатта. Ҳа, ишқилиб, яхши қайноналар кўпаяверсин. Биз келинлар уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиб, шоду хуррам умргузаронлик қилаверайлик.

Наргиза ҚОДИРОВА, Асака тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

ҲАР КИМИНИНГ ЎЗ ИСМИ БОР

Фарзандга исм қўйиш ота-онанинг биринчи галдаги бурчи. Ота-она фарзандига чиройли, жисмига мос исм қўйишига ҳаракат қилади.

Бироқ баъзан асабларни тараққиллаштириб, кишининг фашига тегадиган ҳолатларга дуч келасиз. Бу ота-оналарнинг, баъзан эса оиладан ташқаридагиларнинг бола исмини ўзлари хоҳлаган тарзда ўзгартириб, бузиб айтишларидир.

Маҳалламиздаги бир қатор ота-оналарнинг, мактабдаги ўқувчиларнинг фаросатсизлигини ачинамиз. Баъзи мисолларни келтирмоқчиман. Мухаббат - Муҳчи, Бахтиёр - Батти, Муҳаммад - Микки, Самандар - Самми, Гулзода - Гуля, Ихтиёр - Ихти, Лола - Лолош, Азамат - Аза ва ҳоказо айталади. Баъзилар буни эркалаш маъносини деб тушунишлари мумкин. Аммо эрка-

лаб чақиршида масалан, Мухаббатхон, Мухаббатой, Бахтиёржон, Азаматбек дейилса, маъқул-ку!

Ҳар нарсани ўз номи, ҳар кимнинг ўз исми билан аташ меҳр-оқибатни кучайтиради, ўзаро муомала маданиятини оширади, демократиям.

Баҳодир ЭГАМ, Наҳий вилоят, Қизилтепа тумани.



### ОСТЕОХОНДРОЗ ХУРУЖ ҚИЛМАЙДИ

Одатда, мултасил йўлда юрадиган ҳайдовчилар орасида кўп учрайдиган касалликлардан бири остеохондроз ҳисобланади. Шу боис умуртқаларингиз қотиб қолмаслиги учун кунига бир неча марта машинангиз ўриндиғи сунячигининг бурчагини тахминан 10 даражага ўзгартиринг. Хатто сиз замонавий, ўта қулай хориж автоуловни рулида ўтирган бўлсангиз ҳам ҳар икки соатда дам олиш ва энгил жисмоний машқларни бажариш учун тўхташингизни маслаҳат берган бўлардик.

- Бошингизни ўнг томонга эгинг, дастлабки ҳолатга қайтинг ва чап томонга эгинг.
- Бошингизни кўкрагингиз-

га эгиб туриб, ўнгга-чапга қимирлатинг.

● Бармоқларингизни елкага қўйиб, қўлингизни аввал олдинга, сўнг орқага айлантиринг.

● Бармоқларингизни елкага қўйинг. Нафас олганда тирсагингизни юқорига кўтаринг, нафас чиқарганда эса туширинг.

● Бармоқларингизни елкага қўйинг. Ўнг тирсақни олдинга, чапини орқага кўтаринг, сўнг машқни аксинча бажаринг.

Ҳар бир машқни 10 мартадан бажариш керак.

### ГИПЕРТОНИЯНИ ЖИЛОВЛАЙМИЗ

Йўлда рўй берадиган турли ҳодисалар, ким ўзарга пойғалар, йўл-патрул хизмати ҳодимларининг эътирозлари қон босимининг ошишига сабаб бўлади. Бу эса нафақат соғлиқ, балки ҳаётига таҳдид учун ҳам зарарли.

Мабодо, машинада кетаётганингизда бошингиз айланиб, чакангизда оғриқ турса, юрагингиз санчиб қолса-ю, ёнингизда керакли дори бўлмаса, қўлоқ супрасини қўйидагича уқаланг:

● Қўлоқ супрасини бош ва кўрсаткич бармоқларни олдиндан, қолган бармоқларни эса орқа томонидан қилиб қисиб ушланг ва 20 марта супрани тортинг, юқорига-пастга айлантиринг.

Автомашина аллақачонлар дабдаба белгисидан ҳаракатланиш воситасига айланиб улгурган. Аммо машинада юриш инсон учун нотабиий бўлган ҳаракатланиш усулидир. У пиёда юриши, югуриши, зинапойлардан чиқиб-тушиши керак. Эсласангиз, “Бошсиз чавандоз” фильмининг қаҳрамони - кекса овчи: “Мен от минишни ёмон кўраман, чунки Оллоҳ ҳаракат қилиш учун одамга оёқларни берган”, дейди. Кунининг кўп қисмини машина рулида ўтириб ўтказадиган кишилар бир қанча касалликларни орттириб олишлари эҳтимоли бор.

## АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

● Қўларингизни бир-бирига ишқалаб қиздириш ва қафтингизни қўлоқ супрасига қўйинг. Кафларингизни айлантириб, қўлоқларингизни олдин пастдан юқорига, сўнг юқоридан пастга айлантиринг. Муолажани қўлоқларингиз қизиб кетгунча жами 20 марта бажаринг.

### БАВОСИЛНИ ЕНГАМИЗ!

Афсуски, автомобилларнинг стандарт ўриндиқлари ҳар қанча қулай бўлса-да, безарар эмас. Мултасил тебранишлар ва гиподинамия ҳолати кичик тосда қон айланишини сусайтиради. Оқибатда ҳайдовчилар орасида кенг тарқалган касаллик - бавосил(геморрой)га йўлиқиш ҳеч гап эмас. Шундан кейин машина рулида икки соатдан ортиқ ўтирган одамни дард безовта қўла бошлайди. Бундай пайтда қўлидаги машқни бажаришни тавсия этамиз:

● Узоқ йўлга чиққан бўлсангиз, ҳар икки соатда тўхтаб, машинадан тушиб, кескин ҳаракатлар қилинг, бир жойда сақранг, бир неча марта эгилиб туринг. Агар вақтингиз бемалол бўлса, 60 марта оёқ уңида кўтарилиб, кескин ҳаракат билан товонга оғирлик ташлаш машқни бажаринг.

● Гавдангизни ўнг ва чап томонларга ўртача даражада эгинг (ҳар томонга 30 мартадан). Эгиллаётган томонингиздаги оёқингизни тиззадан букишингиз ҳам мумкин.

### ПРОСТАТА БЕЗОВТА ҚИЛГАНДА

Ҳайдовчилар орасида учрайдиган касб касалликларидан яна бири - простатит. Маълумотларга кўра, 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркекларнинг 30 фоизи мана шу дарддан у ёки бу даражада азият чекади. Аммо ҳайдовчилар орасида, айниқса, узоқ масофаларга қатнайдиганлари ичида бу кўрсаткич 60 фоизгача борар экан. Худди бавосил сингари простатит ҳам машина рулида мултасил 2-3 соат ўтирганда ўзини сездира бошлайди.

Простатитнинг профилактикаси учун қўидаги оддий машқларни мунтазам бажариб туриш керак:

● Имкон даражасида чуқур нафас олиб, қоринни чиқаринг. Нафасни 10-12 сония ушлаб туринг. Сўнг қоринни иложи борича ичга тортиб нафас чиқаринг. Мазкур машқни кунига уч маҳал 5-7 марта такрорланг.

● Танангиз оғирлигини ўнг оёққа ташлаб, чап оёқингизни 40-100 марта олдинга-орқага энгил силтаб ҳаракатлантиринг. Сўнг шу машқни оёқларнинг жойини алмаштириб бажаринг.

### ГАСТРИТНИ ДАВОЛАЙМИЗ

Ҳар кун камиди 2-3 соат вақтини машина рулида ўтказадиган

ганларнинг 70 фоизга яқинида гастрит, меъда қайнаши касалликлари учраб экан. Узун кун машина бошқарадиганларнинг аксарияти эса ошқозон-ичак яраси касаллигига чалинарган. Бунинг сабаби қорин бўшлиғининг доим сиқилиб туришида, аксарият йўл-йўлақай қуруқ оғзақ(масалан, сомса, хот-дог, ширин қулча ва ҳақозо) истеъмол қилишда, йўлдаги асаббузрликлар оқибатида ошқозон ширасининг меъёрдан ортиқ ишлаб чиқарилишидадир. Шу боис йўлда юрганишида ҳар соатда энгил тановул қилиб туриб, яъни шоколад, олма, йогурт энг ёки озгина қатиқ ичиб олинг. Аммо газланган минерал сувдан сақланганингиз маъқул. Қолаверса, сигаретани камроқ чекинг. Чунки тамаки ҳам ошқозон ширасининг меъёрдан ортиқ ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади.

### ТИРСАҚНИ ЭЪТИЁТ ҚИЛИНГ!

Аксарият ҳайдовчилар машина ойнасини тушириб, чап қўл тирсагини эшикка қўйиб юришини одат қилганлар. Оқибатда қаршидан эсаётган кучли шамол (баъзида иссиқ, ҳоҳида салқин, баъзан нам, ҳоҳи қуруқ ҳаво), доимий силқинишлар натижасида биланнинг эшик раҳига урилиши эпикондилит, яъни пайларнинг яллиғланишига сабаб бўлади. Эпикондилит вақтида довланмаса, кейин узоқ вақт муолажа олишга тўғри келади.

Пингвинларнинг одатига кўра ургочиси тухум қўйгач, уни то бола очиб чиққунча эркаги босиб ётади. Инсоният дунёсида эса оталарнинг ўз фарзандларига бундай муносабати жуда кам кузатилади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, турмуш қурган аёлларнинг ярмидан кўпроги эрлари фарзандларига жуда кам вақт ажратилиши таъкидлашган.

## ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

### Ўғилга дўстлик, қизга мақтов

Психологларнинг фикрича, болаларда, ёши ва жинсидан қатъий назар, отасининг эътибор ва муҳаббатига эҳтиёж кучли бўлади. Мабодо, ўғил бола оилада отасининг эътиборини ҳис қилмаса, у хатти-ҳаракатда онасидан андоза ола бошлайди. Оқибатда бундай бола нафақат онасининг “оқбилак ўғли”га айланиб қолади, балки улғайиб оила қургач, аксарият ҳолларда ажрашиб кетеди.

Қизларнинг отаси билан муносабатлари эса сал бошқача асосда қурилади. Халқимизнинг “қиз бола отасига меҳрибон бўлади”, деган гаплари бекорга эмас. Отасининг мақтовлари қизга унчалик таъсир этмаслиги мумкин, аммо отанинг “эрка қизим, ақли қизим, гўзал қизим” каби мақтовлари қизнинг ўзига бўлган ишончини орттиради.

Психологлар оталар телевизор кўриш, газета мутулааси, чойхонадаги ошхўрлик каби “муҳим” юмушлардан ортиб, ҳар кун ҳеч бўлмаганда 30 дақиқа вақтларини болаларига ажратишлари зарурлигини таъкидлашади. Шунда боланинг ўзига ва

отасига бўлган ишончи ортади, ўзини ҳимояланган ҳис этади.

Хўш, болалар турли ёш босқичларида оталаридан нимани кутишди?

### 5 ёшгача: кўриш ва эшитиш

Чақалоқлик ва ёш болалик пайтида бола нафақат онасини, балки отасини ҳам ёнида кўришни, унинг эътиборини ҳис этишни хоҳлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбиясида отасининг алоҳида фаол ўрни бўлган болалар камроқ йиғлашар, бегона кишилардан ётсирамас, оғирбосиқ бўлишар экан. Шу боис эрлар аёлларига болани овуттиш, очик ҳавода сайр қилдириш, унга овқат бериш, чўмилтириш каби юмушларда ёрдам берсалар яхши бўлади.

Мабодо, эркак чақалоқни аёлининг асосий вақтини ва ўзига бўлган эътиборини ўғирлаган рақиб сифатида қабул қилса, яхши эмас. Буюк Британия ва АҚШда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилада фарзанд туғилгандан кейин эркекларнинг 3,6 фоизи депрессия ҳолатига тушиб қолар экан. Шу боис аёлга бу даврда эрига эътиборлироқ бўлиши керак. Токи у фарзанд хотини билан ўзининг ўрта-



сидаги ришталарни янада қаттиқроқ боғловчи восита эканлигини ҳис қилсин. Токи, ҳар қандай вазиятда ҳам бола отасини яхши кайфиятда кўрсин.

### 5 ёшдан 9 ёшгача: танқид қила кўрманг

Бу даврда ота ўз фарзандлари билан кўпроқ серҳаракат ўйинлар ўйнаши керак. Масалан, футбол, қувлашмақоқ ва ҳақозо. Бунинг ота ва болаларни яқинлаштиришдан ташқари яна бир фойдаланиш жиҳати бор. Одатда оналар фарзандларини йиқилмасин, суринмасин, деб аяб турадилар. Ота билан

ўйнаганда эса болалар ўзларини эркин ҳис этишади. Бола йиқилгудек бўлса, она хавотирланиб: “ёмон тушмадингми, оғримаяптими?” деса, ота “ҳечқиси йўқ, ўғил бола йиқилса ҳам йиғламайди”, деб тасалли беради.

Лекин ўйин пайтидаги хатолари учун болани танқид қилмаслик керак. Чунки бу нарса унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Яхшиси, унга у ёки бу ҳаракатни қандай бажаришни амалда кўрсатиб берган маъқул.

Қолаверса, боланинг дарсларини қандай бажарганигини текшириш ҳам оилада отанинг зиммасида бўлса, бу ҳам болага ижобий руҳ бағишлайди.

### 9 ёшдан 15 ёшгача: биз дўстимиз!

Бу даврда отанинг зиммасидаги масъулият, унинг бола тарбиясидаги ўрни ва роли янада ортади. Айниқса, 13-15 ёшлар орталиғида - ўттиш даврда аксарият болаларнинг характер

ри оғирлашиб қолади. Улар гап ўқмас, жиззаки, кўпол бўлиб қоладилар. Шу боис ота ўғли билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиши керак. Уни бўларбўлмасга уришиш, хатти-ҳаракатларидан хато ва камчиликлар топиш бола тарбиясини издан чиқариб юбориши мумкин. Яхшиси, танада кучли физиологик ўзгаришлар кечадиган бу даврда ота фарзандини четдан туриб кузатиб, ўрни келганда унга босиқлик билан жўяли маслаҳатлар бериши, йўл-йўриқ кўрсатиши зарур.

ДАРМОН тайёрлади.



**Нон инсониятнинг буюк неъматидир. Бирор кунимиз нонсиз ўтмайди. Бу буюк неъматнинг шифобахшлик қудрати ҳам беқиёсдир. Тандирдан узилган янги нондан тортиб, ундан тайёрланган талқонгача инсондаги турли туман касалликларга шифо бўлиши аниқланган.**

**ГАПНИ БУҒДОЙЗОРДАН БОШЛАЙМИЗ**

Қадимги аждодларимиз беҳолликка, асабийликка ва тўқаноқ касалига чалинганларни буғдойзорнинг ўртасига олиб чиқиб қўйганлар. Буғдойзорнинг сеҳр ва саховати айниқса юрак сиқилуви касалига чалинганларни дарддан осонроқ фориғ қилган. Бундай касаллик одатда фикрнинг торайuvi ва хотиранинг ўтмаслашувидан пайдо бўларкан. Янги буғдойнинг хиди айнан одам тафаккурини янгилаш ва хотирасига ўрнашиб қолган майдакашлик хусусиятини йўқотиб, феълни кенгайтиришда бебаҳо малҳам бўла олади. Буғдой бошоғи ўзидан кўзни равшанлаштирувчи ва қалб кўзини очиб, шодлик

хиссини уйғотувчи ифोर таратар экан. Буғдойзорга бир ҳафта экин бўлган киши ўзигади инжиқлик ва дардманликни йўқотиб, қалбда яхши умидларни уйғота олиши мумкин.

**ТАНДИРДАН УЗИЛГАН НОН**  
Тандирдан янги узилган бўрсилдоқ нонлар шифобахш бўлур. Чунки уларга оловдан таралган инфрақизил нурлар сингиган ва кислородга тўйинганлик даражаси юқори бўлади.

Бундай нонни ейиш ошқозон ва юрак хасталиклари борлар учун яхши наф қилади. Саба-



# НОН—БЕБАҲО НЕЪМАТ

би нон билан одам танасига кирган инфрақизил нур ва тўйинган кислород қон таркибига ўтиб, унинг ҳаётбахшлик қудратини оширади. Ошқозон сўлак безлари эса сифатли ишлаш бошлайди. Нафас йўлларида ҳам ижобий ўзгариш эса юрак хасталикларига камроқ чалинадилар. Албатта, ошқозондан ажралган сифатли сўлак мия фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бирор жойи оғриётган одам тандирдан узилган нонни сочикча ўраб, ўша жойига босиб турса оғриқ қолиб, роҳат ола бошлайди. Иссиқ нон тўқималардаги тарангликини ёзиб, қон айланишини муътадиллаштиради. Иссиқ нонни еган болалар дуркун ва зийрак бўладилар.

Сутли нонни тез-тез истеъмол қиладиганларнинг ранг-рўйи тозаланиб, тиниқлашиб ва гўзаллашиб боради.

Сутли нон узумга қўшиб истеъмол қилинганда, вужудда ажойиб тетиклик юзага келади. Негаки узумдаги фойдали минераллар нондаги углеводлар билан осонгина бириктиб, ҳар иккаласининг фойдали хусусиятлари кўтариллади ва бадандаги тўқималарни тўйинтириб майинлаштиради. Болаларга, ўсмирларга, кексаларга, камқонлик касали борларга иссиқ нонни сутга тўғраб бериш фойдалидир.

**ОШҚОВОКЛИ НОН**  
Ошқовоқни киргичдан ўтказиб, хамирга аралаштириб нон ёпишқоқ момоларимиз жуда уста бўлишган. Бундай ноннинг таъми айниқса ҳушбўй бўлади. Ошқовоқли нон тўртта касаллик учун шифобахшдир. Булар жигар, ошқозон, пайларнинг қайишуви ва асабийлашув касалликларидир.

Момоларимиз кўпинча буғдой нонга жазза ва кашничнинг уруғини қўшиб юборишган. Натижада унинг сингувчанлик хусусияти ошиб, жигарни жуда яхши қувватлантиради ва тоза-

лайди. Ошқовоқли ноннинг асаб толаларидаги зўриқишни пасайтиришдаги имконияти беқиёсдир. Жазза эса тўқималарнинг қувватини ошириб, пайлардаги қайишувни йўқотди ва қон ишлаб чиқариш яхшилана бошлайди. Кашнич уруғи, ошқозон ва меъда фаолиятини яхшилайди.

**ПАТИР ВА ШИРМОН НОН**  
Патир нон тўйимли бўлиб, биллақ қувватдир. Шу боисдан патир нон еган кишилар гаиратга минур. Қадимий Бухорода сарбозларни жағ олтидан патир нон билан сийлаганлар. Шундай қилиб урушда жасорат кўрсатишга шайланганлар. Патир нонлар одамда мардлик ва саховат хиссини жўштирур.

Ширмон нонлар эса ақл ва идрок қалитини қўлларга тутқазаур. Ширмон нон еган киши зийрак ва кеचиримли бўлур. Бу нон чехрани тиниқлаштириб, ажинларни камайтиради. Айни пайтда юракка ҳам ором берур.

**ИССИҚ ВА СОВУҚ НОН**  
Қадимги римликларнинг таърифича, иссиқ ноннинг фойдали кўпроқ бўлур. Айниқса, чехраси заъфарон ва қувватсиз одамлар иссиқ нонни кўпроқ есинлар. Агар иссиқ нон асал ёки анорнинг шарбатига ботириб ейилса, сариқ касаллиги умуман яқинлашмайди.

Комилжон НИШОНОВ

## ДАРМАРГА ДАРМОН

Ноннинг таркибида инсон организм учун зарур бўлган деярли барча минераллар, микро ва макроэлементлар мавжудлиги уни бошқа аксарият озиқ-овқат маҳсулотларидан ажратиб туради. Шу боис одам қуруқ нон-суб билан ҳам кун ке-чириши мумкин. Ноннинг озукъавий даражаси ва ҳазми осонлиги кўпроқ қандай ундан пиширилганига боғлиқ бўлади. Унинг нави қанчалик юқори бўлса, унинг таркибидаги фойдали воситалар шунча кам бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, олий навли унда темир моддаси, фоллий кислотаси ва бошқа минераллар деярли 100 фоизгача йўқолиб кетар экан. Аммо бундай нон ҳазми енгиллиги билан ажралиб туради.

Нон нафақат қорин тўйдириш ҳамда организм учун зарур бўлган озукъларни олиш воситаси, балки шифобахш неъмат ҳамдир. Турли касалликларда нондан ҳам истеъмол орқали, ҳам ташқи қўлланиш йўли билан муолажа воситаси сифатида фойдаланилади. Жумладан, ич кетишида сал суви қочган буғдой нони еб, устидан озроқ қатик ичиш фойда беради. Ич қотиши, қолит ва атеросклерозда эса таркибида "В" гуруҳ витаминлари бисёр бўлган ундан ёпилган нонларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Меъда қайнашида хамиртушуш ва дровжи қўшилмаган нон ейиш керак. Қандли диабет ва танани ёғ босишида жавдар (қора буғдой) ундан ҳамда оқилли ва кепали буғдойдан пиширилган нон

фойдалидир. Буйрак касалликлариде таркибида оқсил бўлмаган нон, ошқозон-ичак яраси, бавосил(геморрой), танани ёғ босиши касалликлариде эса йирик тортилиб, кепак ва донларидан тозаланмаган ундан ёпилган нон тавсия қилинади.

**ЭСЛАТАМА: ошқозон ширасининг юқори кислоталиги безовта қилидиган кишилар жавдари нон емасликлари керак. Чунки у меъда қайнашига сабаб бўлади. Шунингдек, жигари, ўт қопи оғрийдиган, ошқозони ва ичагида яраси бор беморлар ҳам жавдари нон емаганлари маъқул.**

**1. Сийдик йўлида тоши бор** беморлар куйдагича муолажа олишлари тавсия этилади: 50-60 дона қора арча уруғи ва 0,5 килограмм шакарни 5 литр сувда қайнатиб, 10-15 дона лимонўт барглари кўшасиз. Совуғач, 0,5 килограмм жавдарнинг қок нони(сухари) солиб, 10-12 кун қоронғу жойда сақлайсиз. Тайёр бўлган доривор воситадан кунига тўрт маҳал 1 стакандан ичиб туриш керак.

**2. Аллергия, қандли диабет ва ошқозон яраси касалликлариде** бир буханка жавдари ноннинг юмшоқ жойини олиб, унга 2 чой қошиқ қулчанг ва 1 ош қошиқ жўка(липа) асалидан аралаштирасиз. 0,5 кути дафна(лавр) яроғини 1 стакан сувда 5 дақиқа қайнатасиз. Баргизуб уругидан 3 ош қошигини майда қилиб туясиз ва қайнатмага қўшиб, совутасиз. Сўнг уни нонга аралаштириб, катталиги нўхотдек келадиган шарчалар ясайсиз ва иссиқ гиштнинг устига териб қўйиб қурийтиб оласиз. Тўккиз кун мо-

байнида кунига 5 маҳал 2 донадан истеъмол қилиш керак. Муолажани вегетарианча парҳез билан қўшиб олиб бериш зарур. Бир курс муолажа яқунлангач, танада 1 ҳафта дам бериб сўнг уни яна такрорлаш мумкин.

**3. Артрит ва артрозда** куйдагича ташқи муолажа тавсия этилади: жавдари ноннинг тагини кесиб олиб, нам матога ўраб, сал иситиб олинг. Сўнг оғриётган бўғимларга ўсимлик ёғи суртиб, устидан иситилган нонни қўйиб, намланган зигир тотали мато билан боғлаб қўясиз. Бу муолажа оғриқни тез қолдиради, шунингдек мунтазам қўлланилганда бўғимларни турли хилтлардан тозалашда ҳам яхши наф беради.

**4. Бош оғриғи ва уйқусизликда** чаккага ўсимлик ёғи суртиб, устидан жавдари ноннинг тагини босиш керак.

**5. Йирингли яраларни** даволаш учун оқ ноннинг юмшоқ жойини сут ва асал билан аралаштириб, ярага қўйиш керак.

**6. Соч тўқилишининг** олдини олишда куйдагича муолажа қўл келиши мумкин. Ярим буханка жавдари ноннинг юмшоқ жойини олиб, 1 дона тухумнинг сариғи билан аралаштирасиз. 1 ош қошиқ иттиканак(череда) гиёҳи устига 1/2 стакан қайноқ сув қўйиб дамлаб қўясиз. Сўнг дамламани ноннинг устига қўйиб, суяоқ бўтқа холига келгунча аралаштирасиз ва уни нам сочга суртиб, 30-40 дақиқага бошингизни сочик билан ўраб ўтирасиз. Кейин бошингизни совун ёки шампун ишлашмай ювиб, 2 ош қошиқ мойчечакнинг 1 литр қайноқ сувдаги дамламасида чайиб ташлайсиз. Бир ой давомида ҳафтасига икки марта ушбу муолажани такрорлаб турсангиз, сочингизнинг тўқилишидан халос бўласиз.

**7. Йирингли яра ва шишларга** қора ноннинг юмшоқ жойини иссиқ судта ивйтиб босилса, яхши самара беради. Бу усул яраларнинг пишиб ёрилишига, шишларнинг эса сўрилиб кетишига олиб келади.

**8. Оёқдаги қадок, пих ва қаттик яраларда** ноннинг юмшоқ жойини жўкали асал билан 2:1 миқдорда аралаштириб муолажа қилиш керак. Жумладан, товонларни буғлаб, қадокқа тайёр аралашмадан қалин қилиб суртиб, 2-3 кунга боғлаб қўйиш ёки пластир ёпиштириш лозим. Сўнг боғламани ечиб, кўтарилиб қолган қадокни олиб ташлаш мумкин. Зарур бўлса, муолажани такрорлаш керак. Одатда 3-5 та муолажадан сўнг эски қадоклардан ҳам қутулиш мумкин бўлади.

Пих ва қаттик яраларни даволашда эса суртмани ҳар кун алмаштириб туриш керак. Бунда оёқларга мойчечак ва баргизубли илик ванналар қилиб туриш муолажанинг самарасини янада оширади.

**9. Товонлар ёрилганда** оқ ноннинг юмшоқ жойидан квас ёки ошхона ук-сусида хамир қориб, оғрикли жойларга қўйиш керак.

**10. Хўснбузар тошганда** "Антонов" навли олмани пўстидан тозалаб, 1 стакан қайноқ сувда дамлаб қўйиш керак. Яхшлаб дам егач, ундан бир ош қошигини қора ноннинг юмшоқ жойига аралаштириб бўтқа ҳосил қиласиз ва юзингизга суртасиз. Қуриган гиёҳлардан тайёрланган дамлама билан ювиб ташлайсиз.

**ЭСЛАТМА: белгиланган меъёр ва миқдорларга қатъий риоя этилгандагина муолажаларнинг самараси юқори бўлади.**

**Д. ИБРОХИМОВ тайёрлади.**

## БОЛАМ АДАСИНИ КУТМОҚДА...

**К**ичик жуссали, нозикки-на аёл хонага кириб келганда ёнидаги болакайнинг салом бериши менинг диққатимни тортиди. Ниҳоятда ёқимтой бола экан. Беихтиёр уни эркалатгинг, гаплашгинг келади, киши.

- Болам, сен "каридор"да тургин, мен холанг билан озгина гаплашиб оламан, кейин кетамиз, - деди аёл.

Шунда болакай онасининг кўлидан тортиб: "Холангин олдига борам э, улар адангга хат ёзади. Кейин аданг келади, дегандингиз-ку", - деди.

Унинг гапини эшитиб, бир кулгим келди, бир юрагим ачишди. Нима дейишни ҳам билмай қолган онаси: "Кўп гапирмай, айтганимни қил", - деди. Бола бошини ҳам қилиб, ашиқдан чиқди. Юзлари қизариб кетган аёл:

- Узр-а, синглим, боласи тушмагур, жуда нокулай қилиб қўйди, - деди.

- **Ҳеч ҳам нокулайлиги йўқ, келинг, - дедим.**

- Мен уни аданг келади, деб ишонтирганман. Эсини таниганидан бери шу ахвол. "Қачон адам келади? Қанақа машинаси бор? Қаерга кетган?" - деган саволларидан чарчаганман. Яратган менга шу фарзандимни берганидан суюнаман ҳам. У ночор қолганда сунячиғим, дунёларга сигмай қолганимда овуноғим. Ишончим, умидим...

- **Адаси билан ажрашганмисиз?**

- Бизни ташлаб кетганда ўғлим 4 ойлик чақалоқ эди. Ҳеч қанақа сабабсиз "ажрашаман", деб туриб олди. Эркак кишини қайтариб бўлмас экан. Онаси, оналари уни қайтаришмоқчи бўлишди, бироқ фойдаси бўлмади. Кейин ажрашдим, эр дегани шу бўлса, оти ўчсин, дея ёлғиз умр кечирдим. Яхшиямки, вақтида олий маълумотли бўлиб олган эканман. Акс ҳолда ҳолим не кечарди?

- **Маошингиз этиб турибдими?**

ли бу қиз оппоққина, истарали, нозик қомати уни анча ёш кўрсатади. 50 ёшгача бўлган, олий маълумотли, вилоятдан пойтахтга келиб яшайётган, тушунган инсон ўз бахтини излаётган бўлса, бу қиз билан муроғига етади.

**Манзил тахририятда. ШОДИЯ, Тошкент.**

Мен билан бир хонада ишлайдиган қизнинг **ёши 42 да.** Аввал ўзи ўқиб, ишлаб, кейин укалари, сингилларининг ўқишига, оиласига ёрдам бераман, деб ёшнинг ўтганлигини сезмаган бу қизнинг оилали бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Ниҳоятда андишали, одобли ва саришгата

бўйчан, чиройли қиз. Иккинчиси **21 ёш**, ориятли, истарали. Аммо турмуши бузилган. Уларнинг тенги бўлса овоз берсин.

**Манзил тахририятда. ХУЛҚАР, Тошкент.**

Қўшни қизларнинг бахти очилишини мен ҳам ният қиламан. Чунки уларнинг ораста, хушмуомала, қўли гулгилгини билиб, бир уйни яшатишига ишонаман. Бир **25 ёшда.** Олий маълумотли, нозик,

10 ёшли ўғлим, 12 ёшли қизим билан учаламиз яшайдиган аёлингнинг ўрни бўлачак экан. **Ёшим 60 да.** Массул лавозимларда ишлаб, нафақага чиққанман. Кўрганлар ёшимни анча кичик беришди. Соғлигимдан ҳам ноҳайлиман. Қани энди ораста, маънавиятли бир аёл бўлса-ю, қариллик гаштини бирга сурсак.

**Манзил тахририятда. ЭРКИН, Тошкент.**

10 ёшли ўғлим, 12 ёшли қизим билан учаламиз яшайдиган аёлингнинг ўрни бўлачак экан. **Ёшим 60 да.** Массул лавозимларда ишлаб, нафақага чиққанман. Кўрганлар ёшимни анча кичик беришди. Соғлигимдан ҳам ноҳайлиман. Қани энди ораста, маънавиятли бир аёл бўлса-ю, қариллик гаштини бирга сурсак.

**Манзил тахририятда. ФЕРУЗА, Сирдарё вилояти.**

Фарзандларинг ҳурматингизни жойига қўйса-да, сунячи яшайдиган аёлингнинг ўрни бўлачак экан. **Ёшим 60 да.** Массул лавозимларда ишлаб, нафақага чиққанман. Кўрганлар ёшимни анча кичик беришди. Соғлигимдан ҳам ноҳайлиман. Қани энди ораста, маънавиятли бир аёл бўлса-ю, қариллик гаштини бирга сурсак.

ишлашади. Қизлар-ку, узатилиб кетади. Аммо ҳолам ёлғиз қолишлари бизни ташвишландиради. 55-58 ёшгача бўлган, маънили, соғлом, Тошкентда яшайдиган инсон бўлса, топширмади?

**Манзил тахририятда. ФЕРУЗА, Сирдарё вилояти.**

Холам **50 ёш** бўлса-да, нозиклиги сабабли анча ёш кўринади. Номард эри қизи тенги аёлга уйланиб, оиласини барбод қилган. Ҳозир қизларининг бири 20 да, иккинчиси 22 да. Моддий томондан ҳам камчилиги йўқ. Чунки улар ўқимишли, яхши жойларда

ёшганда, менинг қалбимни тушуна оладиган, кўнгли тоза 40-45 ёшлар атрофидаги инсон билан Тошкентда яшаш ниятим бор.

**Манзил тахририятда. ОЗОДА, Сирдарё вилояти.**



**Ёшим 30 да.** Баланд бўйли, озгирок йигитман. Фарзандсизлик туфайли ажрашганман. Сурхондарёликман-у, ҳозир Тошкентда ижарада турибман. Топиши рўзгор қуришга етади. Қайси вилоятдан бўлса ҳам, турмуши бузилган, фарзандсиз аёл бўлса, оила қурмоқчиман.

**Манзил тахририятда. ИБРОҲИМ.**

Мустаҳкам силам, ширин фарзандларим бўлишини орзу қиламан. Ўрта бўйли, бугдойранг, сочларим қирқилмаган аёлман.

**Ёшим 37 да.** Ажрашганман. Агар ўқимишли, иш жойи тайин, 55 ёшларгача бўлган, Тошкентда яшайдиган эркак бўлса, танишмоқчиман.

**Манзил тахририятда. ШИРИН, Наманган вилояти.**

Жиянларимнинг бири **25**, иккинчиси **27 ёш** кириб қолди. Бирни тикувчи, иккинчиси ҳамшира. Ораста ва қурқам қизлар. Нимагадир шу пайтгача тенги чиқмаяпти. Агар ажрашган бўлса-да, тўй қила оладиган, иши, уйи тайин 30-35 ёшлардаги эркак жуфтини топмаётган бўлса, жиянларим билан учраштирадим.

**Манзил тахририятда. САИДА, Тошкент.**

**Оила бўлимининг телефони: 134-25-46**

## ИЙМОНИ БУТ ЭРКАК БЎЛСА...

**Н**афосатхон билан анчадан бери танишарим. Чунки у мақолалари билан газетамизда тез-тез чиқиб туради. Журналист, массул идоралардан бирида фаолият кўрсатади. Нафосат ўз касбига фидойиллиги, муомаласи, маданияти билан кўпчиликка манзурлигини ҳам биламан. Лекин оиласи ҳақида ҳеч суриштирмадим. Яқинда касбдош опаларимиздан бири Нафосатнинг ички туйғуларини, шахсий ҳаётини бир сўраб кўришимни маслаҳат беришди.

Чунки у анчадан бери гап очибга урарканан-у, йимани юраккан. Шу гап бахона бўлди-ю, Нафосатни навбатдаги учратганимда дилдан сўхбатлашдим.

- **Биласизми, 30 ёшгача умидланиб юраккансан, кейин умидсизликка туша бошларкансан, - дейди у.**

- **Нафосат, кўнглингизни**

**ром этган инсон бўлганми?**

- Тўғриси, мен шундай тарбия топганманки, севишиш, кўнгли қўйиш у ёқда турсин, ҳаттоки йигитлар билан гаплашиш ҳам уят, деб ўйлардим. Шу феълим сабабли кийинишим, юриш-туришим ҳам оддий. Ўзимга зеб бериш, тақинчоқлар тақишни табиатим хушламайди. Самимийлик, табиийликка интиламан. Тўғрисиқлик, ҳалоллик, иймон бутлиги ҳаётдаги ширим.

- **Кенг дунёқарашли, зиёли қиз сифатида бўлажақ жуфтингиз қандай бўлишини хоҳлардингиз?**

- Тушунган, ориятли, 40 ёшнинг нари-берисидаги, зиёли бир инсон билан оила курсам, дейман. Қолаверса, мен водийликман. Шу томонлардан келиб, пойтахтда ўзим каби меҳнат қилиб юрган инсон билан танишсам...

қизимнинг бахти кемтикликка қуйинаман. Балки мен каби фарзандининг бахтини излаётган она бўлса танишарим, деб манзилни тахририятга бердим.

**ГУЛНОРА, Тошкент.**

Кизимнинг **ёши 27 да.** Орзулаб узатган жойимиздан қайтиб келганига 6 йилдан ошди. Чунки гиёҳванд эри билан яшашнинг илоҳи бўлмади. Ҳозир қизи 7 ёшда. Келишган қоматли, пазанда ва саришта

**Ёшим 55 да.** Тўлароқдан келган, ўрта бўйли инсонман. Олий маълумотлиман. Аёлман вафот этган, 4 та фарзандимни уйли қилганман. Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланаман.

Қўшни отахоннинг ёлғизланиб қолганига ташвишланаман. Узоқ йиллар рўзгор лавозимларда ишлаган бу инсон, ҳозирда маҳалламизнинг оқсоқоли. **Ёши 70 да,** соғлом. Фарзандлари ҳам яхши инсонлар. Аёли вафот эт-

ган отахонга бир ҳамроҳ бўлиб яшагучи жуфт кераклигини сезаман. Яшаш шароитидан ками йўқ. 55-60 ёшлар атрофидаги аёл бўлса овоз берсин.

**Манзил тахририятда. ШУКУР, Сирдарё.**

**40 га қирган** бўлсам-да, нозик жуссали бўлганим учун ёш кўринаман. Шу пайтгача кўнглимдагидек инсонни учратмадим. Ҳамшираман, Тошкент вилоятдан келиб, пойтахтда ишлапман. 45 ёшгача бўлган, уйи тайин, ўқимишли, озгирдан келган инсон бўлса, турмушга чиқиш ниятим бор.

**Манзил тахририятда. ФЕРУЗА, Тошкент.**

**Ёшим 53 да.** Олий маълумотлиман. Фарзандларимнинг барчаси ўз оиласи, иш жойига эга. Уларнинг отаси вафот этганидан бери ёлғизликдан қийналаман. Мақсадим Тошкент ёки Самарқандда яшайдиган маданиятли,

Келишган қоматли, оқшдан келган, зиёли аёлман. **Ёшим 36 да.** Эримнинг хиёнати туфайли ёлғизман. 14 ёшли қизим бор. Вилоятлик, тушунган, мод-

ган отахонга бир ҳамроҳ бўлиб яшагучи жуфт кераклигини сезаман. Яшаш шароитидан ками йўқ. 55-60 ёшлар атрофидаги аёл бўлса овоз берсин.

**Манзил тахририятда. ШУКУР, Сирдарё.**

ўқимишли ва фарзандларидан тинган, қомати келишган, 60 ёшлар атрофидаги инсон билан умргузоронлик қилиш.

**Манзил тахририятда. ХАНИФА, Самарқанд.**

дий имконияти етарли, 50 ёшгача бўлган эркак билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзил тахририятда. ЛОБАР, Тошкент.**

**Саҳифани Матлуба ШУКУРОВА тайёрлади**

**ХОМИЯ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Бюуртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 11087  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ  
Мусаҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

**2 3 4 5 6**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**БОШ МУҲАРРИР: 134-86-91**  
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**  
**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ: 134-25-46**  
**Табриқлар, эълонлар: 133-04-50**  
**Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46**  
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**Манзиллимиз: Тошкент - 700000**  
**Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**  
**«Олой» бозори ёнида.**

**Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.**  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00.  
Босишга топширилди - 21.00

**E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru**

**Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**